Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 224 (7965). ◆ 25 ноябрь, 1982 йил ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

Кеча Москвада Катта Кремль саройида ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси ўз ишини тугатди.

ВАТАН БАХТ-САОДАТИ, ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ

23 НОЯБРЬ

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Соат 16 да Катта Кремль саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Т. Я. Киселев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис Иттифоқ Советининг раиси депутат **А. П. Шитиков** раислигида ўтди.

Мажлис аҳли сессиялар ўртасидаги даврда вафот этган депутатлардан М. А. Суслов, В. М. Глушков, Н. Н. Иноземцев, Қ. Қораев, А. Косанбоев, Р. М. Мусин, З. А. Патаридзе, Ж. Расулов, И. М. Семёнов, А. В. Сидоренко, И. З. Соколов, А. Н. Циденов, В. И. Чуйковнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Мандат комиссиясининг раиси К. С. Демирчян СССР Олий Советига янги сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш тўғрисида шу комиссия номидан қилган доклад юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Депутатлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари депутат **К. У. Черненкони** бир овоздан Иттифоқ Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси қилиб сайладилар.

КПСС Марказий Комитетининг кеча бўлиб ўтган Пленумида ўртоқ Ю. В. Андропов сўзлаган нутқда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советида энергетика доимий комиссияларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этиб ўтилган эди. Бундай доимий комиссиялар министрликларнинг иши устидан контроллик ва ресурслардан оқилона фойдаланилмаётганлиги учун ҳар қандай лавозимдаги хўжалик ходимларига нисбатан талабчанлик қила олади.

Шу муносабат билан СССР Олий Совети Президиуми палаталарда энергетика доимий комиссияларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифни киритди.

Иттифоқ Совети янги тузилган энергетика комиссияси составини тасдиқлади. СССР Фанлар академиясининг вице-президенти М. В. Ломоносов номидаги МДУ ректори депутат **А. А. Логунов** комиссия раиси қилиб сайланди.

Палата мажлисида Иттифоқ Совети баъзи доимий комиссияларининг составига ўзгартишлар киритилди.

Шундан кейин Иттифоқ Совети план-бюджет комиссиясининг раиси **Г. И. Вашченко** 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ва 1982 йилда план қандай бажарилаётганлиги тўғрисида, СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети ҳақида ва 1981 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисида доимий комиссияларнинг қўшимча докладини қилди.

КПСС Марказий Комитетининг шу сессия арафасида бўлиб ўтган Пленумида деди у, экономиканинг ҳозирги аҳволи чуқур анализ қилинди, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этиш йўллари белгиланди.

Палаталарнинг доимий комиссиялари планнинг асосий топшириқлари ва халқ хўжалик пропорциялари умуман КПСС XXVI съездининг йўл-йўриқларига мос келади деб ҳисоблайдилар. Планда экономикани ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш кўзда тутилади, унинг социал йўналиши ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилиши кучайтирилади.

Комиссияларнинг хулосасига кўра ёқилғи-энергетика комплекси, қора ва рангли металлургия, химия ва нефть химияси саноати тармоқларини, машинасозлик, транспорт ва капитал қурилишнинг айрим тармоқларини ривожлантиришдаги қолоқлик ҳамда уларнинг имкониятлари ва резервларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги ижтимоий ишлаб чиқаришни ва миллий даромадни ўстириш суръатларига ҳамон жиддий таъсир қилмоқда.

СССРнинг Озиқ-овқат программаси энг катта халқ хўжалик проблемаларини ҳал этишга муайян мақсадни кўзлаб комплекс ёндошиш намунасидир. Доимий комиссиялар агросаноат комплексини ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш планини кўриб чиқишга катта эътибор бердилар План топшириқлари партиянинг агросаноат комплекси барча тармоқлари ишининг самарадорлигини ошириш, уларни материал-техника ва маблағ билан пухта таъминлаш борасидаги йўлини рўёбга чиқаришга қаратилган.

Халқ хўжалиги тармоқларини, қолаверса машинасозликнинг ўзини техника билан қайта қуроллантириш суръатлари ҳали етарли эмас. Кўпгина тармоқларнинг прогрессив машиналар, асбоб-ускуналар ва приборларга бўлган талаб-эҳтиёжлари тўлиқ қондирилаяпти, деб бўлмайди.

Министрликлар ишлаб чиқариш корхоналарини техника билан қайта қуроллантиришни жадаллаштиришга эътиборни қаратишлари, энергия ва материалларни тежайдиган ғоят серунум технологияни қўллаш имконини берадиган принципиал янги техникани тезроқ яратиш ва жорий этиш йўлини ўтказишлари керак.

Нотиқ маориф ва соғлиқни сақлашни, савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни, маданият ва санъатни янада ривожлантириш масалаларига катта эътибор берди, шу тармоқларининг ишидаги бир қанча жиддий камчиликларни қайд этиб ўтди.

Доимий комиссиялар, деди у, СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети кўрсаткичларини ва 1981 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар. Бюджет иқтисодий ва социал ривожланиш плани топшириқларига тўла мувофиқ равишда тузилган бўлиб, партиянинг халқ фаровонлигини муттасил юксалтиришдан иборат изчил йўлини акс эттиради.

Комиссиялар халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини чакана нархларда 179,3 миллион сўмлик кўпайтиришни ва бюджетнинг даромадларини 135,2 миллион сўмлик оширишни таклиф этдилар. Улар иттифоқдош республикаларнинг бюджетларида харажатларни 135,2 миллион сўмлик оширишни ҳамда уларни социал-маданий тадбирларни амалга оширишга сарфлашни ҳам таклиф этдилар.

Депутат комиссияларнинг тузатишларини ҳисобга олиб 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планини, СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджетини ва СССРнинг 1981 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлашни комиссиялар номидан таклиф этди.

Сўнгра депутатлар мамлакатнинг Давлат плани ва Давлат бюджети тўғрисидаги докладларни муҳокама қилишга киришдилар.

РСФСР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари депутат **Л. Б. Ермин** таъкидладики, барча совет кишилари каби Россия федерациясининг меҳнаткашлари ҳам партиянинг КПСС XXVI съездида ишлаб чиққан ленинча ички ва ташқи сиёсатини муттасил амалга оширишдан иборат йўлининг давомийлигини ҳамда таниқли сиёсат ва давлат арбоби ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитети Бош секретари юксак ва масъулиятли лавозимига сайланганлигини тўла тўкис ва батамом маъқулламоқдалар.

Нотиқ республикада СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига меҳнат ғайрати ғоят жўш урган вазиятда тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Шу билан бирга депутат халқ хўжалигининг ҳали барча тармоқларида ҳам ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлигини таъминлашга ва план топшириқларини бажаришга эришилмаганлигини эътироф этди.

Советлар мамлакати ўтган олтмиш йил мобайнида экономикани, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган ютуқлар ленинча миллий сиёсатнинг ажойиб самараларини, социалистик тузумнинг, совет турмуш тарзининг туб афзалликлари ва ғоят катта имкониятларини яққол намойиш этмоқда, деб таъкидлади Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари депутат **А. А. Титаренко**, Украина ССР меҳнаткашлари совет давлати юбилейини хўжалик ва маданий қурилишда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар.

Партия, совет ва хўжалик органлари Озиқ-овқат программасини амалга ошириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар. Айни вақтда нотиқ айрим корхоналарда ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари беш йиллик планда кўзда тутилганлигига қараганда пастроқ эканлигини қайд этди. Материал-хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурслари ортиқча сарфланишига йўл қўйилмоқда.

Белоруссия ССР Министрлар советининг раиси депутат **А. Н. Аксенов** сессия муҳокамасига тақдим этилган СССРнинг 1983 йилги плани ва бюджети лойиҳаларини маъқуллаш тўғрисидаги таклифларни қувватлаб, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш, корхоналарни реконструкция қилиш ҳажмини кўпайтириш соҳасидаги баъзи проблемаларга тўхталиб ўтди. Унинг фикрича, капитал маблағларни ва пудрат ишлари ҳажмини планлаштириш системаси, шунингдек минерал ўғитларни қарама-қарши йўналишларда ташиш практикаси тубдан яхшиланишини тақозо этади.

СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиши министри депутат **Н. В. Голдин** ишлаб чиқарувчи кучларни кўпайтиришда, совет кишиларининг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтиришда капитал қурилиш муҳим роль ўйнашини таъкидлаб, қурувчилар ва монтажчиларнинг меҳнат коллективлари юбилей йили программасини тугаллаш борасида қизғин ишлаётганликларини таъкидлади. Ана шу коллективлар ишлаб чиқариш объектлари мумкин қадар кўпроқ ишга туширилишига эришмоқдалар.

Москва темир йўли Ильич номидаги локомотив депосининг электровоз машинисти депутат **С. Е. Яцков** пойтахт меҳнаткашларининг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказаётган мусобақаси тўғрисида сўзлаб берди.

Депутат Москва халқ хўжалигини ва темир йўл транспортини янада ривожлантириш проблемаларига катта эътибор берди.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси, депутат **Н. Ж. Худойбердиев** нутқ сўзлади.

(Депутат Н. Ж. Худойбердиевнинг нутқи газетанинг 3-бетида босилмоқда).

СССР мева-сабзавот хўжалиги министри депутат **Н. Т. Козлов** сессия муҳокамасига тақдим этилган мамлакатнинг 1983 йилги Давлат плани ва бюджети лойиҳаларини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифларни қувватлади.

Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги системаси бўйича 1983 йилги план топшириқлари, деди у, аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлаш учун шундай маҳсулотларни етиштиришни юксак суръатлар билан оширишни назарда тутади.

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **Н. А. Назарбоев** республика саноати ва қишлоқ хўжалиги эришган катта ютуқлар тўғрисида гапирди. У ғаллакорларнинг бу йилги фидокорона меҳнатини алоҳида таъкидлади. Ғаллакорлар ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай мамлакатнинг Озиқ-овқат программасига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Айни вақтда, депутатнинг фикрича, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун республикада план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, экономиканинг барча тармоқларида резервлардан омилкорлик билан фойдаланиш борасидаги партиявий ишлар кучайтирилиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Марказий Статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноат корхоналари коллективлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш юзасидан январь—ноябрь ойлари планини 24 ноябрь куни бажардилар.

Кўмир, нефть ва газ қазиб олиш, машинасозлик маҳсулотининг бир қанча турларини, минерал ўғит, химиявий тола, пайпоқ, трикотаж буюмлар, чарм-пойабзал, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисоблаганда ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан январь—ноябрь ойлари планининг ошириб бажарилиши кутилмоқда.

(ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ОБЛАСТЬ саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXVI съезди қарорларини бажара бориб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва муҳим буюмлар ишлаб чиқариш бўйича ўн бир ойлик планни 24 ноябрда муддатидан илгари бажардилар. Ноябрь охиригача пландагига қўшимча 94 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

План ва мажбуриятларнинг бажарилишига республикамиз пойтахти, шунингдек Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари ва Калинин, Тошкент районларининг саноат корхоналари салмоқли ҳисса қўшдилар.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

Соат 16 да СССР Олий Совети палаталарининг мажлислар залида Миллатлар Советининг биринчи мажлиси бошланди.

Депутатлар **А. Я. Пельше, В. В. Кузнецов, Ш. Р. Рашидов, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис **В. П. Рубен** раислигида ўтди.

Мажлис аҳли сессиялар ўртасидаги даврда вафот этган депутатлардан И. Х. Баграмян, Ф. Ц. Гассиева, Н. А. Пилюгин, Е. К. Федоров, С. К. Цвигун, Г. И. Чиряев хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

СССР Олий Советининг янги сайланган депутатлари ваколатларини текшириш тўғрисида мандат комиссиясининг раиси **А. Г. Коркин** доклади юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Палата энергетика доимий комиссиясини тузди ва унинг составини тасдиқлади. Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари депутат **О. С. Мирошхин** комиссиянинг раиси қилиб сайланди.

Миллатлар Советининг баъзи доимий комиссиялари составига ўзгартишлар киритилди.

Миллатлар Совети план-бюджет комиссиясининг раиси **Н. И. Масленников** 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида ҳамда 1982 йилги план қандай бажарилаётганлиги тўғрисида, СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва 1981 йилги бюджетнинг ижроси ҳақида қўшимча доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг сессия арафасида бўлиб ўтган ҳамда асосан келгуси йил Давлат плани ва Давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиққан ва маъқуллаган Пленуми, деди нотиқ, партия билан халқ бирлигининг, Ватан куч-қудратини янада мустаҳкамлашга, совет кишилари фаровонлигини оширишни кўзлаб ишлаб чиқилган йўлни изчил ўтказишга азму қарор берилганлигининг ёрқин далили бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В Андропов Пленумда сўзлаган нутқида экономиканинг ривожланиши ҳар томонлама анализ қилиб берилди, жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш, уни интенсивлаш, хўжалик механизмини такомиллаштириш, ҳар бир иш участкасида уюшқоқлик ва интизомни таъминлаш соҳасидаги муҳим вазифалар белгиланди КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари — совет халқининг жанговар ҳаракат программаси, коммунистик қурилишда юксак марраларга эришиш учун курашда унинг ижодий активлигини янада ўстиришнинг қудратли манбаидир.

Нотиқ Миллатлар Советининг доимий комиссиялари Иттифок Совети комиссиялари билан биргаликда 1982 йил плани қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқиб, халқ хўжалигида қўлга киритилган ижобий натижалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва улар мамлакатни бундан буён иқтисодий ва социал жиҳатдан янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлиб қолишини таъкидлаётганликларини маълум қилди Шу билан бирга комиссиялар хўжалик фаолиятидаги баъзи якунлар бугунги кун вазифаларига жавоб бера олмайди, деб ҳисоблайдилар

1983 йил план ва бюджети партиянинг халқ хўжалиги самарадорлигини оширишга қаратилган энг муҳим йўл-йўриқларини рўёбга чиқаришга асосланади. Уларда совет экономикасини ўстириш суръатларини жадаллаштириш, йирик социал проблемаларни изчил ҳал этиш кўзда тутилади. Комиссиялар ҳукумат СССР Олий Совети тасдиғига тақдим этган мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1983 йилги Давлат плани КПСС XXVI съезди қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган, деб ҳисоблайдилар.

Планда социал ривожланиш, халқ фаровонлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Миллатлар Советининг доимий комиссиялари Иттифоқ Совети комиссиялари билан биргаликда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1983 йилги Давлат планини ҳар томонлама анализ қилиш давомида халқ истеъмол молларининг айрим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни чакана нархларда жами 179,2 миллион сўмга кўпайтириш имкониятини қидирдилар ва Давлат планини ана шу тузатишларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритадилар.

Палаталарнинг доимий комиссияларида Давлат планини кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш чоғида планнинг бажарилиши мавжуд резервларни сафарбар этишни, камчиликларни тугатиш, кучларни бундан буён амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишларига жамлаш юзасидан иқтисодий ва ташкилий тадбирларни амалга оширишни талаб қилади, деб уқтириб ўтилди.

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш биринчи даражали вазифадир. Шу мақсадлар учун катта-катта молиявий ва моддий-техника ресурслар, жумладан анча миқдорда серунум қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғит ажратилади. 1983 йилги план ва бюджетни муҳокама қилиш вақтида депутатлар ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш, транспорт барча турларининг ва биринчи навбатда темир йўл транспортининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш масалаларига катта эътибор бердилар.

Келгуси йил план ва бюджети, деди пировардида нотиқ, совет кишиларининг ҳаётий манфаатларини акс эттиради. Уларнинг бажарилиши, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, коммунистик қурилишда қўйилган янги муҳим қадам бўлади.

Миллатлар Советининг депутатлари мамлакатнинг Давлат плани ва бюджети тўғрисидаги докладларни муҳокама қилишга киришдилар.

Қозоғистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари депутат **В. А. Гребенюк** КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқи коммунистларни, барча совет кишиларини амалий иш программаси билан қуроллантиради, уларни партия XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш соҳасида янада зўр куч-ғайрат билан ишлашга сафарбар этади, деди.

Нотиқ сессияда муҳокама қилинаётган план ва бюджет лойиҳаларида ҳар бир иттифоқдош республиканинг ишлаб чиқариш кучларини муттасил ривожлантириш кўзда тутилган, деди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида совет халқларининг ягона оиласида Қозоғистон эришган муваффақиятлар айниқса яққол кўзга ташланмоқда.

РСФСР Министрлар Совети раисининг ўринбосари депутат **Е. Ф. Карпова** қишлоқ меҳнаткашлари алоҳида муҳим проблемаларни ҳал этишлари зарур, деб уқтириб ўтди. Нокоратупроқ зонани серунум деҳқончилик ва чорвачилик районига айлантириш программасини бажариш давом эттирилади.

Нотиқ республика енгил саноати ишидаги қийинчиликларга алоҳида эътиборни жалб этди. Республика енгил саноатида тўқимачилик корхоналарини реконструкция қилиш ва техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш зарур.

Украина Касаба Союзлари республика советининг раиси депутат **В. А. Сологуб** халқ хўжалигининг турли соҳаларида республика меҳнаткашлари эришган ютуқлар тўғрисида гапирди.

Омманинг ташаббускорлиги ва ижодкорлиги, мусобақанинг кенг авж олаётганлиги СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган мажбуриятлар бажарилиши учун яхши замин вужудга келтирмоқда.

Латвия Компартияси Рига шаҳар комитетининг биринчи секретари депутат **Я. Я. Вагрис** республика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми қарорларини зўр мамнуният билан кутиб олганликларини айтди. Бугунги кунда ҳар биримиз энг аввало совет кишиларининг фидокорона меҳнати тинчлик учун курашга қўшилган реал ҳисса бўлишини яхши англаймиз.

Депутатлар тайёргарлик комиссиясининг аъзоси сифатида, деди нотиқ, 1983 йилги план ва бюджетнинг таклиф этилган лойиҳалари мамлакат, ҳар бир республика халқ хўжалигининг барча тармоқларини планли асосда ривожлантиришни умуман таъминлайди, деб ҳисоблайман ва ана шу ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида сўзга чиққан депутатларнинг фикрига қўшиламан.

СССР Денгиз Флоти министри депутат **Т. Б. Гуженко** кўпгина кемалар, корхоналар ва ташкилотларда ишни ташкил этишнинг илғор методлари кенг ёйилганлигини, юксак пировард натижаларга эришишга қаратилган социалистик мусобақа авж олдирилаётганлигини маълум қилди.

Белоруссия Компартияси Могилев область комитетининг биринчи секретари **В. В. Пришчепчик** 1983 йилги план ва бюджет лойиҳаларини юксак сафарбарлик кучига эга бўлган ҳужжатлар деб атади. Нотиқ мамлакат Озиқ-овқат программасини бажаришга область меҳнаткашлари конкрет ҳисса қўшаётганликлари тўғрисида гапирди.

Бироқ, деди депутат, областда ишлаб чиқариш қувватлари ҳар доим ҳам ўз вақтида ўзлаштирилмоқда, деб бўлмайди, иш вақтининг бекор кетишига йўл қўйилмоқда. Хом ашё, электр энергиядан тежамкорлик билан фойдаланилмаяпти.

Совет Озарбайжони меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар, деди республика Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари депутат **С. Б. Татлиев**.

Депутат, жумладан республиканинг суғориладиган ерларидан, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш проблемаларига тўхталиб ўтди.

Грузия ССР Махарадзе районидаги Ленин номли колхоз раиси депутат **Г. А. Цитлидзе** мамлакат СССР халқлари ўртасидаги дўстликнинг буюк кучи туфайли турмушнинг ҳамма соҳаларида ажойиб муваффақиятларга эришганлиги тўғрисида гапирди.

Депутат республика турли шаҳарларга жўнатаётган муайян миқдордаги маҳсулотни транспортдан тушириш ва базаларда сақлаш вақтида зарур даражадаги контрол йўқлигидан бу маҳсулотлар истеъмолчиларга етиб бормаётганлиги учун таассуф билдирди.

Молдавия ССР Министрлар Советининг раиси депутат **И. Г. Устиян** Молдавия индустрияси ва агросаноат комплексини ривожлантиришда жадал суръатларга эришилаётганлигини умумиттифоқ меҳнат тақсимотининг самараси, деб атади.

Депутат Озиқ-овқат программасини тез бажариш билан боғлиқ масалаларга эътиборни қаратди. Боғбонлар, сабзавоткорлар ва деҳқонлар етиштираётган маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш ва етказиб бериш кўпинча ҳали ҳам танг соҳа бўлиб қолмоқда, деб таъкидлади у.

24 НОЯБРЬ

Коммунистик қурилишнинг улуғвор режалари мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг олий органи — СССР Олий Совети сессиясининг диққат марказида турибди.

Депутатлар иқтисодий ва маданий қурилишда партия ўртага қўйган янги-янги вазифаларни давлат арбобларига хос донолик ва чинакам хўжайинларча манфаатдорлик билан муҳокама қилдилар. Бу вазифаларни амалга оширишнинг конкрет йўлларини белгиладилар.

Совет кишилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига Коммунистик партия теварагида мустаҳкам жипслашган ҳолда ўзларининг бутун куч ва ғайратларини Ватаннинг бахт-саодати ва гуллаб-яшнаши учун бағишлашга азму қарор берганлар.

Партия ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда совет халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини таъминлаш, мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган барча ишларни қилмоқда. Партия социализм ғалаба қилган, бутун тараққийпарвар инсониятнинг умиди ва таянчи бўлган мамлакат — СССРнинг давлат чегараси даҳлсиз бўлиши тўғрисида зўр ғамхўрлик қилмоқда.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Эрталаб соат 10 да палаталарнинг мажлислар залида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ўз ишини давом эттирди. Депутатлар **Ю. В. Андропов, Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Т. Я. Киселев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлисга СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси **А. П. Шитиков** раислик қилди.

Барча совет кишилари каби Москва областининг коммунистлари, ҳамма меҳнаткашлари ҳам, — деди КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари депутат **В. И. Конотоп**, КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган Пленуми қарорларини астойдил маъқулламоқдалар. Пленум КПСС XXVI съезди белгилаб берган вазифаларни амалга оширишда Ленин партиясининг изчил йўлини тасдиқлади, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган ҳамма қоидалар ва хулосалар халқимизнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушади.

Москва областида қолоқ хўжаликларга катта эътибор берилмоқда, деди нотиқ. Беш йиллик охиригача ҳамма колхоз ва совхозлар давлат планларини бажаришни уддалаши ва ҳеч зарар кўрмай ишлайдиган бўлиши лозим, деган вазифа қўйилди.

«Детскосельское» совхозлар ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бирлашмасининг сабзавоткорлар бригадири депутат **В. Р. Паршина** бундай деб уқтирди: бирлашма деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш планларини муваффақиятли бажарди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга давлат катта моддий ва молиявий ресурслар ажратмоқда. Шу ресурслардан самарали фойдаланилишига эришиш жуда муҳим. Кишлок хўжалиги кўп машина олмоқда, аммо меҳнатни комплекс механизациялашга муваффақ бўлинмаяпти. Айниқса сабзавотчилик ва ем-хашак етиштиришдаги бир қанча операцияларни қўлда бажариб, кўпгина жисмоний меҳнат сарфлашга тўғри келмоқда.

Совет Литваси Олий Совети Президиумининг раиси депутат **А. С. Баркаускас** шу республика мисолида коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг ҳаётбахш кучини яққол кўрсатиб берди. Биз улуғ ҳамдўстлик — ССР Иттифоқига мансубликни энг олий фазилат деб ҳисоблаймиз. Бизнинг ютуқларимиз шак-шубҳасиз реалликдир. Ҳозир буни ҳатто энг ашаддий душманлар ҳам инкор қила олмайдилар. Шунга қарамай, АҚШ маъмурияти сурбетларча гиж-гижлаётган империализм гумашталари социализмга идеологик ва психологик ҳужумни кучайтирмоқдалар. Аммо душманлар шуни билиб қўйсинларки: улар халқларимизнинг мустаҳкам бирлигига ҳеч қачон путур етказа олмайдилар!

Кировобод алюминий заводининг аппаратчиси депутат **А. Я. Маилов** Озарбайжон меҳнаткашларининг халқ хўжалик планларини бажаришга, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга қўшаётган ҳиссалари тўғрисида сессияга маълумот берди.

Биз янада яхшироқ, янада унумлироқ, янада зўр ғайрат билан ишлашимиз кераклигини, севикли ватанимизнинг қудрати бизнинг ҳалол ва ижодий меҳнатимизга боғлиқ эканини жуда яхши тушуниб ва зўр масъулият туйғуси билан англаб турибмиз, деди ишчи. У Озарбайжон ишчилар синфи номидан гапириб, республика меҳнаткашлари партия режа-

(Давоми 2-бетда)

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ

ВАТАН БАХТ-САОДАТИ, ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА

(Боши 1-бетда).

ларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун ўз кучларини, ижодий ғайрат ва маҳоратларини аямайдилар, деб КПСС Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига ваъда берди.

СССР приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министри депутат **М. С. Шкабардня** халқ хўжалигига замонавий техникани жорий этиш проблемаларига тўхталди. Яқин вақт ичида приборсозлик маҳсулотини микроэлектрон ва элементлар базасига жадаллик билан ўтказиш тармоқдаги бошқа илмий ва техникавий йўналиш бўлиб қолади, деб таъкидлади у. Мутахассислар буни меҳнат ва моддий ресурсларни кескин тежаш деб, прибор ва ҳисоблаш техникасининг асосий техникавий хоссаларини ошириш воситаси деб биладилар.

Коммунист ва ишчи инсон сифатида шуни айтмоқчиманки, деди Тбилиси «Централит» қуюв заводининг стерженчилар бригадири депутат **Г. Н. Куртанидзе**, мен ва ишдаги ўртоқларим мамлакатни ривожлантириш режалари ва кўрсаткичлари кенг миқёсига қараб туриб буни совет кишиси тўғрисидаги, ҳар биримизнинг бахтимиз ҳақидаги, ер юзида тинчлик ҳақидаги ғамхўрлик деб биламиз. Бунинг учун «Раҳмат» деб қўяқолишнинг ўзи етмайди. Партия билан ҳукуматнинг эътибори ва ғамхўрлигига иш билан, шахсий меҳнат ҳиссаси билан жавоб бериш керак.

Завод коллективи яхшироқ муваффақиятларга эришиш мумкин эди. Аммо технология эскириб қолди. Ҳозир корхона реконструкция қилинмоқда, депутат корхонани реконструкция қилиш характерини кўриб чиқиш зарур, деган масалани ўртага қўйди.

Кемерово область ижроия комитетининг раиси депутат **Ф. В. Попов** бундай деди: сибирликлар мамлакатнинг шарқий районлари ишлаб чиқарувчи кучларини янада комплекс ривожлантириш юзасидан план ва бюджет лойиҳаларида кўзда тутилган тадбирларни мамнуният билан қабул қилдилар.

Нотиқ Кузбасс аҳолисини Озиқ-овқат билан таъминлаш масалалари қандай ҳал этилаётганини гапириб берди. У, жумладан, областда корхоналарнинг юзлаб ёрдамчи хўжаликлари ташкил этилганини айтди. Меҳнаткашларнинг шахсий хўжаликлари мустаҳкамланмоқда, деди у.

Рязань область партия комитетининг биринчи секретари депутат **Н. С. Приезжев** область қишлоқ меҳнатчиларининг СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишга қўшаётган ҳиссалари тўғрисида гапирди. Мелиорация қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг, уни индустриал йўлга ўтказишнинг муҳим резервларидан биридир, деб уқтирди у. Ҳозир областда мелиорация кенг миқёсда, ерларни маданийлаштириш билан бир комплекс тарзида ўтказилмоқда.

Бизнинг планларимиз тинчлик ва бунёдкорлик планлари эканлиги яққол кўриниб турибди, деб таъкидлади Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси депутат **Б. Езкулиев**. Барча иттифоқдош республикаларда бўлгани каби Туркманистонда ҳам меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий турмуш даражасини анча ўстириш кўзда тутилган.

Нотиқ ҳал этилмаган бир қанча проблемаларга тўхталди, капитал қурилиш билан, энергетика хом ашёсининг янги конларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал этишдаги идоралараро тўсиқларни бартараф этиш зарурлигини уқтириб ўтди.

Татаристон АССР Октябрь районидаги Кулбоев — Мараса қишлоқ совети ижроия комитетининг раиси депутат **Г. С. Садретдинова** қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини индустрлаштиришда ва қишлоқдаги социал-маданий ўзгартишларда маҳаллий советларнинг роли ошиб бораётганини таъкидлади.

Депутат бир қанча қишлоқ хўжалик ишлари етарли равишда механизациялашмаганлигига ва қишлоқ йўлларининг ҳолати ёмонлиги меҳнат унумдорлигини пасайтириб, ҳосил нобудгарчилигини кўпайтираётганлигига эътиборни қаратди.

Қирғизистон Министрлар Советининг раиси депутат **А. Дуйшеев** республика меҳнатчиларининг ютуқлари тўғрисида гапириб берди. Тоғли ўлка саноати топшириқдан ҳам илдамроқ суръатлар билан ривожланмоқда.

Депутат суғориладиган ерларни экинзорларга айлантириш ишларининг ҳажмини кўпайтириш, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишловчи корхоналарнинг қувватларини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Арманистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси депутат **Б. Е. Саркисов**нинг айтишича, республика меҳнаткашлари мамлакатнинг яхлит халқ хўжалиги комплексини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаларини доимо кўпайтирмоқдалар, барча иттифоқ ва республикалараро маҳсулот етказиб бериш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажаришга интилмоқдалар.

Арманистонда жойлашган иттифоқ қарамоғидаги баъзи бир заводлар тўла қувват билан ишламаётганлигини депутат уқтириб ўтди.

«Эстонсланец» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Виру» шахтаси тозалаш забойининг кон ишчилари бригадири **Э. В. Вахт** ёнувчи сланец қазиб олиш ва ундан фойдаланиш проблемаларига тўхталди.

Нотиқ Сланец ҳавзаси ходимларининг муваффақиятлари тўғрисида ахборот бериш билан бирга, шу хом ашёни қазиб чиқариш қувватларидан тўлиқроқ фойдаланилган тақдирда улар қилаётган меҳнатнинг халқ хўжалигидаги самарадорлиги янада юқорироқ бўлиши мумкинлигини уқтириб ўтди.

1983 йилги планлар мамлакатнинг умумий манфаатларига ҳам, шунингдек қардош иттифоқдош республикалардан ҳар бирининг ҳам умумий манфаатларига мос бўлиб тушади, деб таъкидлади Тожикистон ССР Министрлар Советининг раиси депутат **К. Маҳкамов**. Тожикистонда, деди у, халқ хўжалигининг базавий тармоқларини янада жадал ривожлантириш, Жанубий Тожикистон территориал — ишлаб чиқариш комплексининг қувватларини ошириш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатнинг келгуси йилга мўлжалланган Давлат плани ва бюджети лойиҳаларини иттифоқ Советида муҳокама қилиш шу билан тугалланди.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

Эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида СССР Олий Совети Миллатлар Советининг мажлиси очилди.

Депутатлар **А. Я. Пельше, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис Миллатлар Совети раиси **В. П. Рубен** раислигида ўтди.

Сессия муҳокамасига қўйилган беш йилликнинг учинчи йили план ва бюджети, деди Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари депутат **У. У. Умаров**, мамлакатимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга, совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, барча иттифоқдош республикалар экономикаси ва маданиятини янада равнақ топдиришга қаратилгандир.

Тошкент ва бутун Ўзбекистон меҳнаткашлари партиянинг халқ фаровонлиги тўғрисидаги ана шу ғамхўрлигини доимо сезиб турибдилар.

Ўлка меҳнаткашлари, деди Красноярск ўлка ижроия комитетининг раиси депутат **Н. Ф. Татарчук**, ўз олдиларида турган вазифаларнинг ғоят мураккаб ва масъулиятли эканлигини тушунадилар. Бу вазифалар мамлакатнинг 1983 йилги план ва лойиҳаларида ўзининг конкрет ифодасини топди. Ўлканинг ишлаб чиқарувчи кучларини комплекс ривожлантириш юзасидан ҳукумат кўраётган чоралар мамлакат шарқий районларининг иқтисодий потенциалини жадал ўстириш тўғрисида қилинаётган ғамхўрликдан далолат бермоқда.

Нотиқ ўлка капитал қурилишидаги аҳволга тўхталиб ўтди. Ўлка улкан қурилиш майдончасига айланган. Бироқ, деб таъкидлади у, ҳамма ишларни белгиланганидек бажаришга эришганимиз йўқ. Уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилишида камчиликлар бор, ишлаб чиқариш қувватларидан ҳамма вақт ҳам тўғри фойдаланилаяпти, деб бўлмайди.

Тожикистонда йирик территориал — ишлаб чиқариш комплексини вужудга келтириш, энергетика объектларини қуриш — республика ишлаб чиқарувчи кучларини тез юксалтириш гаровидир. Ф. Э. Дзержинский номли «Таджиктекстильмаш» заводи партия комитетининг секретари депутат **Х. Абдуллоев** шу ҳақда гапирди. Завод коллективи, деди у, буюмлар сифатини ошириш, уларни ишлаб чиқариш учун материал сарфини камайтириш йўлида кўп иш қилмоқда. Шу билан бирга турдош корхоналар деталлар етказиб бериш графигини кўпинча бузганликлари сабабли заводнинг бир меъёрда ишлаши соҳасида кўпгина қийинчиликлар вужудга келмоқда.

Литва Касаба Союзлари республика советининг раиси депутат **А. А. Ференсас** қуйидагиларни маълум қилди: Ҳозир республика саноати олти кун ичида бутун 1940 йилда чиқарилган миқдорда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бунга эса барча иттифоқдош республикаларнинг қардошларча беғараз ёрдами туфайли эришилди.

Мордовия АССР Атяшево район партия комитетининг биринчи секретари **А. Т. Куняев** план органлари мамлакат аграр-саноат комплексини ривожлантиришга, Озиқ-овқат программасининг муҳим вазифаларини рўёбга чиқаришга катта эътибор бераётганликларини уқтириб ўтди.

Қишлоқ меҳнаткашлари яқин йиллар ичида деҳқончилик ва чорвачиликда иш кўламини кенгайтиришлари лозим, бунинг учун эса деб таъкидлади депутат, аграр-саноат комплексида ишлаётган шерикларимиз катта ёрдам беришлари лозим. Саноат ходимлари ўн биринчи беш йилликда минерал ўғит, машина-механизмлар ишлаб чиқаришни, ўт-ўланни йиғиштириб оладиган ва ем-хашак тайёрлаш учун ишлатиладиган янада унумлироқ механизмларни ишлаб чиқаришни кўпайтирадилар, деб умид қиламиз.

Мамлакатнинг келгуси йилги план ва бюджет лойиҳалари, деди СССР Соғлиқни сақлаш министри депутат **С. П. Буренков**, соғлиқни сақлашнинг ва медицина фанининг янада жадал ривожланишини таъминлайди. У Совет кишиларини профилактик даволашни кучайтириш ва улар соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида кўрилаётган чораларни маълум қилди. Депутат Совет давлати соғлиқни сақлашни ривожлантириш учун ажратаётган кўплаб маблағлардан самаралироқ фойдаланиш йўлларига батафсил тўхталиб ўтди.

«Главкаракумстрой» бошқармасининг бошлиғи депутат **А. Чориев** сессия минбаридан озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишига мелиораторлар қўшаётган ҳисса ҳақида гапириб берди. Қорақум каналининг қурилиши, деб таъкидлади депутат, мамлакатимиз халқлари интернационал дўстлиги мужассамининг ёрқин ифодаси бўлиб қолди. Ҳозирнинг ўзидаёқ канал зонасидаги ерлар республикада етиштирилаётган пахтанинг ярмидан кўпроғини бермоқда.

Нотиқ муҳокама қилинаётган 1983 йилги план ва бюджет лойиҳаларини доимий комиссияларнинг тузатишларини ҳисобга олиб тасдиқлашни таклиф қилди.

Ставрополь ўлкаси қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил юксак уюшқоқлик намунасини кўрсатдилар. Ставрополь ўлка ижроия комитетининг раиси депутат **И. Т. Таранов** ўлка меҳнаткашларининг ишлари ҳақида гапириб, ҳал этилиши лозим бўлган проблемаларга тўхталди. Транспорт ишидаги камчиликлар кескин сезилиб турибди. Суғориладиган майдонларни кенгайтириш негизида ўлкада дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини гарантияланган тарзда етиштиришнинг йирик зонасини вужудга келтиришни жадаллаштириш зарур. Бу эса чорвачиликни интенсив ривожлантириш учун базани вужудга келтиради.

Эстония ССР, Харью районидаги Киров номли таянч — намуна балиқчилик колхозининг раиси депутат **О. П. Кууль** ўз нутқини Совет Эстониясининг балиқчилари ва балиқни қайта ишловчилари Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишига қўшаётган ҳиссаларини кўпайтириш йўлларига бағишлади.

«Башкирэнерго» район энергетика бошқармасининг бошқарувчиси депутат **Ш. Р. Абдурашитов** бундай деди: саноати ва қишлоқ хўжалиги юксак даражада ривож топган ўлка бўлган Совет Бошқирдистони мисолида ленинча миллий сиёсат амалга оширилганлигининг натижаларини яққол кўриш мумкин.

Нотиқ СССР энергетика ва электрлаштириш министрлигининг иши билан боғлиқ бўлган баъзи бир проблемаларга, электр станциялар ва электр тармоқларининг мустаҳкамлигини ва техника-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш резервларига тўхталиб ўтди.

Тайёргарлик комиссияларининг ишида қатнаша туриб, ўз сайлов округидаги аҳволни била туриб ўз сайловчиларимизнинг таклифлари ва наказларини эсдан чиқармай, деди КПСС Карелия область комитетининг биринчи секретари **И. И. Сенькин**, ҳар биримиз ўлкамизнинг истиқболи билан боғлиқ бўлган конкрет таклифларни айтмоқдамиз.

Кейинги йилларда автоном республикада йирик ўрмон саноат комплекси вужудга келтирилди. Бироқ республика ўрмон комплексининг кўпгина тармоқларида вазият ҳали ҳам мураккаб бўлиб қолмоқда, деб таъкидлади депутат.

Чувашия АССР Канаш шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси депутат **Л. А. Андреева** зўр ифтихор билан қуйидагиларни маълум қилди: мен ўқувчиларга ўттиз йилдан буён дўстлик ва қардошлик тили бўлган рус тилини ўргатмоқдаман, уларга юксак аҳлоқ асосларини сингдиришга, уларда совет ватанимиз учун ифтихор ҳис-туйғуларини тарбиялашга ҳаракат қиламан.

Ўқитувчи мактабларда ўқувчиларга билим беришни яхшилаш, уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш тадбирлари тўғрисида гапириб берди. У мактаб таълимининг самарадорлигини ошириш соҳасидаги баъзи проблемаларга ҳам тўхталиб ўтди.

1983 йилги планда аҳолига, айниқса, қишлоқ аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланган. Врачлик касби ғоят масъулиятли касб бўлишига қарамай, ундан зўр маънавий озиқ олади киши, деди Мари АССР Йошкар-Ола шаҳар касалхонасининг бўлим мудири депутат **В. П. Мухин**.

Нотиқ қишлоқ меҳнаткашларининг соғлиғини муҳофаза қилиш муассасаларининг вазифалари тўғрисида гапириб, кўпгина муаммоларни жойларнинг ўзида кунт билан ҳал қилиш лозимлигини таъкидлади.

Якутия экономикасининг муттасил ривожланаётганлиги, деди В. И. Ленин номидаги «Якуталмаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори депутат **В. В. Рудаков**, — коммунистик партиянинг доимий эътибори ва ёрдами натижасидир.

Олмос қазиб чиқариш саноатини янада ривожлантириш зарурияти, шунингдек газ ва нефть қазиб олиш саноатини ривожлантириш истиқболлари, деб таъкидлади депутат, республикада транспортни, қурилиш индустриясини ва энергетикани ривожлантириш суръатларини жиддий равишда кучайтиришни талаб қилади.

Грузия меҳнаткашлари Озиқ-овқат программасини ривожлантиришда актив қатнашмоқдалар. Иттифоқдош республика партия ташкилоти, деди Грузия Компартияси Ажария область комитетининг биринчи секретари **В. Р. Папуниидзе**, юксак маҳсулдор аграр-саноат комплексини вужудга келтириш ва ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда.

Шу билан Миллатлар Советида мамлакат Давлат плани ва бюджети лойиҳаларини муҳокама қилиш ниҳоясига етди.

ИТТИФОҚ СОВЕТИ БИЛАН МИЛЛАТЛАР СОВЕТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ

Кечқурун Катта Кремль Саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бўлди.

Депутатлар **Ю. В. Андропов, Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Т. Я. Киселёв, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлис **А. П. Шитиков** раислигида ўтди.

Мажлис аҳли СССР Олий Совети Президиумининг тўсатдан вафот этган секретари М. П. Георгадзе хотирасини ҳурмат билан эсга олди.

1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида ҳамда 1982 йилги план қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала юзасидан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси депутат **Н. К. Байбаков** якунловчи нутқ сўзлади.

Миллатлар Совети билан Иттифоқ Совети 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планини ҳар томонлама батафсил муҳокама қилдилар. Доимий комиссияларнинг хулосалари ва қўшимча докладларида, депутатларнинг нутқларида 1983 йилги план тўла-тўкис маъқулланди.

Сессия мажлисларида сўзга чиққан иккала палатанинг депутатлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь пленумларининг қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг шу пленумларда сўзлаган нутқлари планнинг бажарилишини ташкил этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, жамиятимизнинг социал масалаларни ҳал этиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

СССР Олий Совети палаталарининг план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари 1983 йилги планни кўриб чиқиш пайтида халқ истеъмол қиладиган молларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни чакана нархларда жами 179,3 миллион сўмлик миқдорда кўпайтиришни таклиф қилдилар, деди сўзини давом эттириб нотиқ.

СССР Министрлар Советининг топширувига биноан нотиқ бу таклифлар кўриб чиқилиб, қабул этилганини маълум қилди. 1983 йилги Давлат планига тегишли тузатишлар киритилади.

Планни доимий комиссияларда кўриб чиқиш пайтида ва уни СССР Олий Совети иккала палатасининг мажлисларида муҳокама қилиш чоғида айрим турдаги маҳсулотларни, айниқса, халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳсулот сифатини ошириш ҳамда айрим тармоқларни ва мамлакат регионларини ривожлантиришнинг бир қанча масалаларини ҳал этиш юзасидан халқ хўжалигининг резервлари ва имкониятларидан янада тўла-тўкис фойдаланишга қаратилган бир қатор муҳим таклифлар киритилди.

Депутатларнинг нутқларида мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг бошқа муҳим масалалари ҳам ўртага қўйилди. СССР Министрликлари, идоралар ва жумладан СССР Госплани шаънига танқидий мулоҳазалар айтилди.

Ҳукуматнинг топширувига мувофиқ нотиқ депутатларнинг ҳамма таклиф ва мулоҳазалари эътибор билан кўриб чиқилишини, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинишини ва уларни кўриб чиқиш натижаларидан депутатлар хабардор этилишини маълум қилди.

1983 йилги Давлат планининг ушбу сессияда муҳокама қилиниши, деди сўзининг охирида Н. К. Байбаков, меҳнаткашларнинг халқ хўжалиги барча резервларидан фойдаланишдан, унинг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан, мамлакат экономикасини муттасил ва узлуксиз ривожлантиришнинг, 1983 йилги планнинг социал-иқтисодий вазифаларини ҳал этишнинг энг муҳим шартлари бўлмиш давлат, план ва меҳнат интизомининг мустаҳкамланишидан манфаатдорлиги тобора кучайиб бораётганини яна бир қарра таъкидлади.

Бу таклифлар сессия арафасида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларига батамом ва тўла-тўкис мос бўлиб тушади.

Палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериш йўли билан СССР Олий Совети 1983 йилда СССРни Иқтисодий ва Социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисидаги қонунни бир овоздан қабул қилди.

СССР Министрлар Совети тақдим этган 1983 йилги Давлат плани Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети доимий комиссияларининг тузатишлари ҳисобга олиниб, қонун билан тасдиқланди.

1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари юзасидан ўсиш суръатлари белгиланди.

Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад 1982 йилга нисбатан 3,3 процент, саноат маҳсулоти 3,2 процент, шу жумладан: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш 3,1 процент, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш 3,5 процент кўпаяди. Келгуси йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 3 процент, давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти 5,4 процент, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 6,8 процент кўпаяди.

1983 йилда пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан жами саҳни 106,6 миллион квадрат метр уй-жой қуришга қарор берилди.

1982 йилда СССРни Иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги СССР Олий Советининг қарори бир овоздан қабул қилинди.

СССР Министрлар Советига Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг доимий комиссиялари хулосаларида ҳамда депутатларнинг 1983 йилги Давлат плани юзасидан, 1982 йилги план қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масала юзасидан сўзлаган нутқларида баён этилган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларига амал қилиб, шу йилги ва 1983 йилга мўлжалланган план топшириқларини муваффақиятли бажариш тадбирларини амалга ошириш топширилди.

Давлат бюджети тўғрисидаги масала юзасидан СССР Молия министри депутат В. Ф. Гарбузов якунловчи нутқ сўзлади. Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети, деди у, ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили — 1983 йилги СССР Давлат бюджетини ҳар томонлама кўриб чиқиб, якдиллик билан маъқулладилар.

СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларининг материалларида, депутатларнинг нутқларида таъкидлаб ўтилганидек, янги бюджет КПСС XXVI съездининг қарорларига, партиянинг халқ турмуш даражасини янада оширишга, мамлакат иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қаратилган стратегик йўлига тўла-тўкис мувофиқдир. Бюджетда кўзда тутилган пул ресурслари 1983 йил учун белгиланган ҳамма социал-иқтисодий вазифалар амалга оширилишини таъминлайди.

Доимий комиссиялар бюджетнинг даромадларини 135,2 миллион сўм миқдорида кўпайтиришни таклиф қилдилар. СССР Министрлар Совети СССРнинг 1983

(Давоми 3-бетда).

СССРнинг ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

СССР давлат хавфсизлиги комитетининг раиси депутат В. В. ФЕДОРЧУК доклади

Қонун лойиҳаси Коммунистик партия билан совет давлатининг чегарани қўриқлаш тўғрисидаги, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақидаги, чегарада социалистик қонунчиликка ва ҳуқуқ-тартиботга қаттиқ риоя қилиниши гарантиялари тўғрисидаги, совет давлат органлари ва чегара қўшинларининг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитни таъминлаш ҳақидаги доимий ғамхўрлигини ифодалайди.

Қонун лойиҳаси СССР Конституцияси, партия съездларининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари асосида, социалистик давлат, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақидаги марксизм-ленинизм таълимотининг принципларига, Лениннинг мамлакат давлат чегараси мустаҳкамлиги ва даҳлсизлиги ҳақидаги қоидаларига тўла мувофиқ равишда тайёрланган. У СССРнинг Давлат чегараси тўғрисидаги аввалги қонун актларининг давомийлигини сақлаб қолади, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ келади.

Халқаро вазият кескинлашган шароитда кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаси СССР Давлат чегарасини янада мустаҳкамлаш зарурлиги ўсганлигини ифодалайди. У чегарани белгилаш, уни кесиб ўтиш, қўриқлаш тартиби ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган муносабатларнинг бутун мураккаб комплексини ҳар тарафлама тартибга солади.

Лойиҳа қоидалари совет давлати ташқи сиёсатининг асосий принципларини, унинг чегарадош мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш мақсадида зарур бўлган ҳамма ишни қилишга тайёр эканлигини ифодалайди.

СССРнинг давлатлараро муносабатлар энг муҳим масалалари хусусидаги равшан ва амалий позициясини бутун дунё халқлари тобора кўпроқ қўллаб-қувватламоқдалар.

Мазкур қонун лойиҳасининг тайёрланиши ва СССР Олий Совети сессиясида муҳокама қилиниши совет давлатининг тинчликсеварлик йўли ўзгармаслигини, унинг халқаро мажбуриятларга содиқлигини, бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларни ички ишларга аралашмаслик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосига қуришга доимо тайёргарлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Қонун лойиҳасида социалистик ҳамдўстликдаги қўшни мамлакатлар билан муносабатларнинг ўз табиатига кўра чуқур интернационалистик нормалари ўз ифодасини топган. Унда СССР Давлат чегараси режими ҳар тарафлама белгилаб берилади. У халқаро ҳуқуқ нормаларига, чет давлатлар билан кўп йиллик савдо-иқтисодий ва бошқа ўзаро муносабат практикасига мувофиқ СССР Давлат чегарасини кесиб ўтиш, СССРнинг территориал ва ички сувларида ажнабий ноҳарбий кемалари ва ҳарбий кемаларнинг сузиши ҳамда бўлиши соҳасидаги мавжуд тартибни аниқ қайд этади.

Қонун лойиҳасининг алоҳида бўлими чегара режимига бағишланган. Унда совет гражданлари ва бошқа шахсларнинг чегара зонаси ва полосасига кириши, вақтинча туриши ва яшаши қоидалари батафсил белгилаб берилади.

Қонун лойиҳасида СССР Давлат чегарасини пишиқ-пухта қўриқлашни таъминлаш юзасидан давлат органлари ҳал этадиган кўпдан-кўп масалалар кўзда тутилган.

СССР Давлат чегарасининг муайян жойдан ўтишини қонунга хилоф равишда ўзгартириш йўлидаги ҳар қандай уринишларнинг пайини қирқиш, Совет Иттифоқи территориясига қуролли бостириб киришни даф этиш, чегарадаги бошқача иғвогарликларнинг пайини қирқиш, аҳолини, социалистик мулкни ва гражданларнинг шахсий мулкини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни қонун лойиҳаси чегара қўшинларининг энг муҳим вазифалари қилиб белгилайди. Лойиҳа чегара қўшинларига жамики зарур ҳуқуқларни, то қуролли ҳужумни даф қилиш учун ва қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда қурол ва жанговар техникани ишга солишгача бўлган ҳуқуқни беради. Қонун лойиҳасида чегарада вакиллик қилиш масалалари ўз ифодасини топган.

Унда меҳнаткашлар оммасининг СССР Давлат чегарасини қўриқлашда иштирок этиши совет гражданларининг ватанни ҳимоя қилиш соҳасидаги ватанпарварлик бурчни бажаришининг аллақачон таркиб топган муҳим формаларидан бири эканлигини қонун тариқасида мустаҳкамлаб қўйиш таклиф этилади.

СССР Давлат чегарасини қўриқлашдек масъулиятли ишда қонун лойиҳаси СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг чегара қўшинларига ғоят катта ўрин ажратади.

Империализмнинг агрессив доиралари халқаро вазиятни кескинлаштириш, ҳарбий тайёргарликларни кенгайтириш ва социалистик мамлакатларга қарши пинҳона қўпорувчилик фаолиятини кучайтириш йўлини ўтказаётган ҳозирги шароитда партия чегарачи қўшинлар зиммасига чегарани қўриқлаш, совет давлатининг хавфсизлигини таъминлаш учун алоҳида масъулият юкламоқда.

Ҳозир синфий душманимиз бизнинг мамлакатимизга қарши ҳар қачонгидан кўра активроқ ва ёпирилиб ялпи жосуслик ишларини олиб бормоқда, идеология соҳасида ғаламислик қилмоқда, совет экономикасига зарар етказишга интилмоқда. Империалистларнинг махсус маҳкамалари ўзларининг қўпорувчилик фаолиятида чегарамиздаги душманлик ҳаракатларига катта ўрин ажратмоқдалар. Ғарбнинг разведка органлари ва идеологик ғаламислик марказлари халқаро ҳуқуқ нормаларини сурбетларча поймол этиб, бизнинг мамлакатимизга ўз агентлари ва эмиссарларини ўтказиб юборишга, СССРга яширинча қурол-яроғ ва портловчи моддалар, наркотик моддалар, махсус радио воситалари ва ихчам нусха кўчириш техникаси, қўпорувчилик характеридаги босма материаллар юборишга уринмоқдалар. Чегарачилар ва божхона ходимлари душманнинг мана шу кирдикорларига қарши ҳаракат қилиш учун турли-туман ҳийла-найранглар чигилини ёзишларига тўғри келмоқда.

Совет чегара қўшинлари партия билан ҳукуматнинг кундалик ғамхўрлиги туфайли ўз зиммаларига юклатилган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни бажариш учун зарур нарсаларнинг ҳаммасига: замонавий жанговар воситаларга, биринчи даражали техникага ва энг муҳими — ватанга астойдил садоқатли, тажрибали, малакали кадрларга эгадир.

Совет кишилари партиянинг Леонид Ильич Брежнев самарали таъсири остида ишлаб чиқилган ички ва ташқи сиёсатдаги стратегик йўли қатъият ва изчиллик билан амалга оширилишини тўла-тўкис маъқуллайдилар. КПСС Марказий Комитети 1982 йилги навбатдан ташқари ноябрь Пленумининг партия сафлари бирлиги, партия коллектив раҳбарлигининг донолиги, партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги совет жамияти енгилмас кучининг манбаи эканлиги тўғрисидаги йўл-йўриқлари мамлакат меҳнаткашлари қалбида қизғин акс садо берди, ғоят зўр ватанпарварлик туйғуларини жўш урдирди.

Леонид Ильич Брежневнинг энг яқин сафдоши ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб якдиллик билан сайланганлигини бутун совет халқи каби чегарачи қўшинлар, барча чекистлар ҳам зўр мамнуният туйғуси билан, тўла-тўкис маъқуллаб кутиб олдилар.

Биз ҳаммамиз Ю. В. Андроповнинг истеъдодли раҳбар ва ташкилотчи, Ленин мактаби собоғини олган сиёсий арбоб, билим доираси кенг ва ўткир зеҳнли, қарорлар қабул этишда проблемаларни чуқур кўра биладиган ва оқилона эҳтиёткор инсон эканини яхши биламиз.

Ўртоқ Ю. В. Андропов СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси лавозимида 15 йил ишлаб, партиянинг Давлат хавфсизлиги органлари ишида ленинча принципларни тўла-тўкис қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, шу принципларни коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичига, давлатчилигимизни ва демократияни ривожлантиришга татбиқан янада ривожлантириш йўлини изчиллик билан амалга оширишда жуда катта роль ўйнади. СССР Давлат хавфсизлиги органларининг бутун фаолияти эндиликда партия раҳбарлигида ва унинг доимий контроли остида, конституция қоидаларига, совет қонунлари талабларига тўла мувофиқ равишда, меҳнаткашлар билан чамбарчас алоқа асосига қурилмоқда. Давлат хавфсизлиги комитетининг органлари Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишда партиянинг жанговар отряди ролини амалий равишда бажара бошладилар.

Ю. В. Андроповнинг Давлат хавфсизлиги комитети раиси лавозимидаги фаолиятини Леонид Ильич Брежнев юксак баҳолаб эди.

КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган Пленуми партиямиз ва давлатимизнинг КПСС XXVI съезди режаларини янада изчиллик билан амалга оширишга қаратилган ички ва ташқи сиёсий йўли ўзгармаслигининг янги тасдиғи бўлди.

Совет чегарачилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрар эканлар, бутун совет халқи билан биргаликда ўз режалари ва ишларини Лениннинг коммунистик жамият қуриш программаси билан қайта-қайта таққосламоқдалар. Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги пленумларининг қарорлари, шунингдек Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти раҳбар составининг 1982 йил 27 октябрда бўлиб ўтган кенгаши йўл-йўриқлари чегара қўшинларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигига, бутун оператив хизмат фаолиятига асос қилиб олинган.

В. В. Федорчук ваъда бериб айтдики, Коммунистик партияга, совет халқига астойдил садоқатли совет чекистлари, чегарачи жангчилари бундан буён ҳам Улуғ Октябрь ғалабалари посбонлигида сергак турадилар. (Қарсаклар).

(ТАСС).

Доклад қисқартирилиб босилмоқда. Унинг тўла тексти «Правда» ва «Известия» газеталарида эълон қилинади.

ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИ

ВАТАН БАХТ-САОДАТИ, ХАЛҚ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА

(Боши 2-бетда)

йилги Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари айрим моддаларига таклиф қилинган тузатишларни қабул этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди, деди нотиқ.

СССР Молия министрлиги СССР Олий Советининг ушбу сессиясида бюджетни муҳокама қилиш чоғида депутатлар айтган ҳамма таклифларни эътибор билан кўриб чиқади ва унинг натижаларини СССР Министрлар Советига маълум қилади. Қабул этилган тадбирлардан депутатлар ўз вақтида хабардор қилинади.

Депутатлар палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериш йўли билан СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қонунни бир овоздан қабул қилдилар.

СССР Министрлар Совети тақдим этган СССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети доимий комиссияларининг тузатишлари эътиборга олиниб, даромадлар бўйича 354.106.241 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 353.905.041 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 201.200 минг сўм ортиқ қилиб қонун билан тасдиқланди.

Халқ хўжалигини пул билан таъминлаш — оғир саноатни, қурилиш индустриясини, енгил ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалигини, транспортни, уй-жой — коммунал хўжалигини ва халқ хўжалигининг, бошқа тармоқларини янада ривожлантириш харажатлари келгуси йилда 198.255.961 минг сўмни, социал-маданий тадбирларга қилинадиган харажатлар 114.205.560 минг сўмни, шу жумладан Давлат социал страхованиеси бюджетидан қилинадиган харажатлар 43.538.650 минг сўмни ташкил этади.

Мамлакат мудофаасига қилинадиган харажатлар 17.054.000 минг сўм миқдорида белгиланди.

Қонунда иттифоқдош республикаларнинг 1983 йилги Давлат бюджетлари белгилаб берилди.

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети доимий комиссияларининг СССР 1983 йилги Давлат бюджети юзасидан чиқарган хулосаларида баён этилган таклиф ва мулоҳазаларни, шунингдек СССР Олий Совети палаталарининг мажлисларида депутатлар айтган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилишни СССР Министрлар Советига топширди.

СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Г. А. Алиевни СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисида тақдимнома киритганини раислик қилувчи билдирди.

СССР Олий Совети депутат Г. А. Алиевни СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисидаги қарорни бир овоздан қабул қилди.

Сўнгра депутатлар кун тартибининг навбатдаги масаласини — СССР Давлат чегараси тўғрисидаги СССР Қонунининг лойиҳаси ҳақидаги масалани кўриб чиқишга киришдилар. СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси депутат **В. В. Федорчук** доклад қилди.

Миллатлар Совети қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиясининг раиси **И. М. Ярковой** шу масала юзасидан иккала палата комиссиялари номидан қўшимча доклад қилди. Лойиҳа тайёрланганлиги, деди у, амалдаги қонунларни Конституцияга ва СССР Қонунлари мажмуаси нашр этилишига мувофиқлаштириш соҳасидаги ишнинг бир қисмидир.

Комиссиялар шуни қайд этадиларки, қонун лойиҳаси СССР Конституциясига мос келади. Конституцияга биноан СССРнинг Давлат чегарасини ва территориясини белгилаш ҳамда қўриқлаш ССР Иттифоқи қарамоғидадир. Лойиҳа Конституциянинг Совет Давлати ташқи сиёсати принциплари ва социалистик ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоидаларига таянади.

Давлат чегараси тўғрисидаги қонун лойиҳаси Совет Социалистик Давлат ривожининг ҳозирги босқичи шароитларини ва СССРнинг бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишида эришилган даражани эътиборга олиб ишлаб чиқилган. У Давлат чегараси тўғрисида амалдаги қонунларнинг қўлланилишида вужудга келган практикани акс эттиради. СССРнинг халқаро шартномалари қоидаларини эътиборга олади. Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиялари СССР Министрлар Совети тақдим этган СССРнинг Давлат чегараси тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллайдилар. Шу билан бирга комиссиялар тушган бир қанча мулоҳаза ва таклифларни эътиборга олишни мақсадга мувофиқ деб топдилар ва шу муносабат билан лойиҳага айрим ўзгартиш ва тузатишлар киритдилар.

Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиялари деди у, СССРнинг Давлат чегараси тўғрисидаги қонунни киритилган қўшимчалар ва аниқликлар билан бирга тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни, шунингдек СССР Олий Советининг мазкур қонунни амалда қўллаш тўғрисидаги қарори лойиҳасини киритадилар.

Чегара, деди СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари депутат **Г. Л. Корниенко**, — қўшни томондаги эшикдир, ташқи дунёга чиқиш эшигидир. Шу эшикдан ёвуз ният билан ўтишга интилувчилар учун бу эшикка мустаҳкам қулф солиб қўйилади. Аммо у яхши ишлар учун, ўзаро манфаатли алоқалар учун очиқдир. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб, ҳамиша шундай бўлиб келган. Бу гап айниқса ҳозир, биринчи галда қўшни социалистик мамлакатлар билан чегаралар хусусида айниқса тўғридир.

Совет Иттифоқи Европадаги чегараларнинг бузилмаслигига маълум сабабларга кўра катта аҳамият бериб келди ва бермоқда. Европадаги ҳозирги чегараларга ҳеч ким дахл қилмаган тақдирда бу ерда тинчлик сақланиб қолиниши мумкинлиги ҳозир ҳамма эътироф қилган ҳақиқат, деб ҳисобланади.

Совет томони, деди нотиқ, бизнинг Хитой Халқ Республикаси билан чегарамиз ҳам дўстлик ва яхши қўшничилик чегараси бўлишига тайёрлигини бир неча бор айтди. Кейинги вақтларда Совет-Хитой чегарасидаги вазият осойиштароқ бўлиб қолди, деб мамнуният билан қайд этиш мумкин, дарёларнинг чегара участкаларидаги кема қатнови масалалари амалий равишда ҳал этилмоқда, чегара атрофидаги савдо-сотиқни қайтадан бошлаш тўғрисида бир битимга келинди.

Чегара хизмати, деди, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари депутат **В. М. Мишин**, юксак маънавий фазилатларни, маҳорат, билимларни, совуққонликни, Ватанга астойдил садоқатни талаб қилади. Ёшларни комсомол йўлланмалари билан чегара қўшинларига танлаб олиш ва юбориш чоғида мана шуларнинг ҳаммаси ҳисобга олинади.

Кейинги йилларда ВЛКСМ Марказий Комитети чегара қўшинлари қўмондонлиги ва сиёсий бошқармаси билан биргаликда қўшинлардаги комсомол ишини янада яхшилашга, ёшларни чегарада хизмат қилиш учун тайёрлашга, оталиқ алоқаларини кучайтиришга қаратилган бир қанча тадбирларни кўрди.

Муҳокама этилаётган қонун лойиҳасининг давлат чегарасини қўриқлашда совет гражданларининг иштирок этиши тўғрисидаги қоидасини Ереван шаҳридаги Гоголь номли ўрта мактаб директори депутат **А. В. Хачатрян** қўллаб-қувватлади. У мамлакатнинг чегара районларидаги мактабларда ишловчи ҳамкасб педагогларга мурожаат этиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида давлат чегараси тўғрисидаги қонундан фойдаланишга чақирди.

Бизнинг областимиз чегарада жойлашган, деди Белоруссия Компартияси Брест область комитетининг биринчи секретари депутат **Е. Е. Соколов.** Бизнинг мамлакатимизга келаётган кишилар орасида дўстларгина эмас, Совет Иттифоқига маънавий оғу келтириш тўғрисида махсус топшириқ олган кишилар ҳам борлиги яхши маълум. Шу сабабли Брест чегарачилари ва божхона ходимларининг оддий иш кунлари ҳамда байрамлари собитқадам меҳнат билан тўлиб-тошган.

Депутатлар палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериш йўли билан СССРнинг Давлат чегараси тўғрисидаги қонунни бир овоздан қабул қилдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг фармонларни тасдиқлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиуми раисининг биринчи ўринбосари **В. В. Кузнецов** доклад қилди. Депутатлар шу доклад юзасидан тегишли қонун ва қарорларни қабул қилдилар.

Шундан кейин КПСС Марказий Комитетининг секретари депутат **И. В. Капитонов**га сўз берилди. У бундай деди:

Михаил Порфирьевич Георгадзе вафот этганлиги муносабати билан биз сессияда СССР Олий Совети Президиумининг секретарини сайлаш тўғрисидаги масалани ҳал этишимиз лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси бу лавозимга Тбилиси шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб турган депутат Тенгиз Николаевич Ментешашвилини тавсия этади.

Ўртоқ Т. Н. Ментешашвили — 1928 йилда туғилган, миллати —грузин, 1952 йилдан КПСС аъзоси. Олий маълумотли, ихтисосига кўра — инженер-механик.

Меҳнат фаолиятини Рустави шаҳридаги металлургия заводида бошлаган. 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери партия ишида. Грузия Компартияси Рустави шаҳар комитетининг биринчи секретари, Тбилиси шаҳар комитетининг иккинчи секретари бўлган. Кейинги олти йил мобайнида Тбилиси шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишламоқда.

Ўртоқ Т. Н. Ментешашвили тўққизинчи чақириқ СССР Олий Совети депутати қилиб сайланган эди. Ҳозирги вақтда Миллатлар Советининг депутатидир.

Ўртоқ Т. Н. Ментешашвили ўзининг билимдон ходим, яхши ташкилотчи эканини кўрсатди.

СССР Олий Совети депутат **Т. Н. Ментешашвилини** СССР Олий Совети Президиумининг секретари қилиб сайлаш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

Ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг еттинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

(ТАСС).

Депутат Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ нутқи

(ЎЗБЕКИСТОН ССР, ИЗБОСКАН САЙЛОВ ОКРУГИ)

Депутат ўртоқлар! СССР Олий Советининг бу сессияси жонажон партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида янада маҳкам жипслашган совет халқи зўр ғайрат-шижоат билан бунёдкорлик ишларини олиб бораётган, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг шонли 60 йиллигини муносиб нишонлашга ҳозирлик кўраётган, КПСС XXVI съезди қарорларини шараф билан амалга оширишга азму қарор берган бир вазиятда ўтмоқда.

Бу зўр азму қарор яқинда, ҳаётдан кўз юмган, ҳаммамиз учун бениҳоя азиз Леонид Ильич Брежнев билан партия ва халқ видолашган қайғули кунларда яна бир бор алоҳида куч билан намойиш этилди. Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Леонид Ильичнинг порлоқ хотираси барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳам миннатдор қалбида абадий яшайди. У ўзининг бутун ажойиб умрини бағишлаган иш СССР халқларининг аҳил кўп миллатли оиласи тарихий зафарларида яшаб, тантана қилаверади.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрда бўлиб ўтган Пленумлари қарорлари, партиямиз Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг шу Пленумлардаги нутқлари мамлакат меҳнаткашларини ватан шон-шуҳрати йўлида янги жасоратларга чорламоқда. Марказий Комитет Пленумлари омманинг метиндек бирлиги ва жипслигини, унинг бундан буён ҳам Ленин йўлидан олға боришга қатъий иродасини кўрсатувчи жуда ёрқин намойиш бўлди.

Биз КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларидан, ўртоқ Юрий Владимирович Андропов айтган қоидалардан зарур амалий хулосалар чиқариб олишни —фан-техника тараққиёти негизида ҳамма жойда аҳиллик билан, жипслашиб самарали ишлашни таъминлашни, халқ хўжалигига раҳбарлик негизларини ҳар томонлама такомиллаштиришни ўзимизнинг энг муҳим бурчимиз деб биламиз.

Депутат ўртоқлар! 1983 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ва СССР Давлат бюджетининг сессияда муҳокама қилинаётган лойиҳаларида советлар мамлакати муттасил ривожланаётганлигининг улуғвор якунлари ва аниқ режалари акс эттирилган.

Биз республика олдига қўйилган вазифалар муваффақиятли ҳал этилаётганини СССР Олий Советига зўр мамнуният билан маълум қиламиз. Ўзбекистон ССР Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида қатнашиб, юбилей йилида янги марраларга чиқиб олмоқда. Саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини реализация қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан 1982 йил ўн ойи планини муддатидан илгари бажарди, пландан ташқари 303 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришда муайян силжишларга эришилди. Икки йил мобайнида топшириқдан ташқари 600 миллион сўмликдан кўпроқ мана шундай моллар берилади.

Капитал қурилишни ташкил этишда, бу тармоқнинг моддий ва молиявий ресурсларидан фойдаланишда катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу йил асосий фондларни ва ишга тушириладиган ҳамма объектларни фойдаланишга топшириш планини бажариш чоралари кўрилмоқда. Чала қолган қурилиш ҳиссаси нормативларга нисбатан камайтирилади.

СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга республика катта ҳисса қўшмоқда. Давлатга дон, пилла, сабзавот, картошка, ҳўл мева, узум ва полиз маҳсулотлари сотиш юзасидан белгиланган шу йилги планлар ошириб бажарилди. Давлатга 3 миллион 200 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулоти сотилди.

Республика партия ташкилоти Ўзбекистон саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини умумиттифоқ истеъмолчиларига етказиб бериш топшириқларини ҳеч сўзсиз ва биринчи галда бажариш йўлини принципиаллик билан ўтказмоқда. Бу йил мамлакатнинг саноат марказларига бир миллион тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулоти жўнатилди, унинг 160 минг тоннадан кўпроғи планга қўшимча маҳсулотдир.

Чорвачиликни ривожлантиришда муҳим натижаларга эришилди, чорва молларнинг ҳамма турлари туёғи кўпайди, чорва ва парранда, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар харид қилиш ўтган йилга нисбатан ортди.

Ёз фаслида сув мисли кўрилмаган даражада камчил бўлганлиги ва бизнинг ўлкамиз учун ғайри табиий равишда куз фаслида кетма-кет ёмғир ва қор ёғиб, қаттиқ совуқ бошланганлиги сабабли вужудга келган ҳаддан ташқари қийин шароитларда деҳқонлар, шаҳарларнинг меҳнатчилари билан биргаликда КПСС Марказий Комитети ва Совет Ҳукуматининг жуда катта моддий-техникавий ёрдамига таяниб, республика партия ташкилоти раҳбарлигида Ўзбекистоннинг катта пахта хирмони учун қаҳрамонона ишлар қилмоқдалар.

Бугун республика пахта тайёрлаш Давлат планини бажаради. Яқин кунларда Ўзбекистон ўз зиммасига олган мажбуриятини ҳам бажариб, Ватанга 6 миллион тонна «оқ олтин» беради, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси ва ҳамма областлар бу йилги пахта тайёрлаш Давлат планларини ва улардан кўплари юксак мажбуриятларини ҳам бажарадилар.

Ижобий натижалар билан бир қаторда ҳал этилмаган вазифалар ва камчиликлар ҳам борлигини равшан англаб турибмиз. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, маҳаллий ташкилотлар қолоқ участкаларни тезроқ илғорлар даражасига етказиб олиш ва 1982 йил топшириқларини умуман республика бўйича ҳамда барча миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича бажариш устида сабот билан ишламоқдалар. Шу тариқа келгуси йилдаги бундан ҳам масъулиятлироқ топшириқларни бажариш учун пухта замин яратиб қўйилади.

1983 йилда саноат маҳсулотининг ҳажми биринчи марта 20 миллиард сўмликдан ошиб кетади ёки 1980 йилга нисбатан 14,8 процент кўпаяди. Қишлоқ хўжалигида пахтачиликни бутун чоралар билан юксалтириш, пахтанинг сифатини янада яхшилаш энг муҳим вазифа бўлиб қолаверади. Айни вақтда озиқ-овқат маҳсулоти турларини етиштириш бош вазифалардан биридир. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти умуман 3.5 процент кўпайгани ҳолда, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш асосан маккажўхори дони ва шоли ҳисобига 6,2 процент ортади. Капитал маблағнинг 70 процентга яқини ишга тушириладиган ва биринчи галдаги объектларга сарфланади, халқ фаровонлигини ошириш кўрсаткичлари юксалади. 1983 йилги топшириқлар куч ва моддий техникавий ресурсларни максимал даражада сафарбар этишни талаб қилади.

Депутат ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг бошқарув органлари ва хўжалик ташкилотлари жипслашиб ишлашини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган кенг миқёсли тадбирларнинг самарали таъсирини биз жуда яхши ҳис этиб турибмиз. Бу тадбирлар яхши натижалар бермоқда. Эндиги гап, биз, партия ва ҳукумат қарорларининг бевосита ижрочилари янада зўр куч-ғайрат билан меҳнат қилишимизга боғлиқ. Шу билан бирга айрим масалаларда бир қанча иттифоқ органлари бизни доимо актив қўллаб-қувватласалар, ишимиздаги кўрсаткичлар тағин ҳам юқорироқ бўлур эди, деб айтмоқ керак. Саноатдаги ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш мана шундай масалалардан биридир. Шуни айтиш керакки, бир қанча тармоқларда мана шу қувватлардан ҳали ҳам омилкорлик билан фойдаланилмаяпти. Масалан, Ўзбекистон металлургия ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатларида, Фарғона фуранли бирикмалар заводида ва иттифоқ қарамоғидаги минерал ўғит, капролактам ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган баъзи корхоналарда ташкилий-техникавий камчиликлар, материал ва хом ашё ресурсларининг чекланганлиги орқасида қувватлардан 66—88 процент [illegible] химия саноати министрлигидан, электр техника саноати министрлигидан, микробиология саноати бош бошқармасидан ҳамда бошқа иттифоқ министрликлари ва идораларидан ишлаб турган корхоналардаги мавжуд қувватлардан тўла-тўкис фойдаланиш ва шу тариқа республикада ҳар йили сал кам 250 миллион сўмлик ҳажмдаги маҳсулот қўшимча равишда ишлаб чиқарилишини таъминлаш мақсадида биз учун муҳим бўлган масалаларни республика органлари билан биргаликда ҳал этишларини илтимос қиламиз. Биз мазкур министрлик ва идораларга илгари ҳам мурожаат қилган эдик.

Халқ хўжалигининг моддий техникавий таъминоти проблемаси жуда зўр эътибор берилишини талаб қилади. Шу беш йилликнинг ўтган даврида Шарқий Сибирь, Красноярск, Ўрта Урал ва бошқа жойлардаги ёғоч тайёрловчи ҳамда реализация қилувчи ташкилотлар Ўзбекистонга 1 миллион 400 минг куб метр ёғоч материалларни кам етказиб берди, бу эса бизга ажратилган фондларнинг бешдан бир қисмини ташкил этади.

Шу йилнинг ўн ойи ичида республикамиздаги истеъмолчилар ажратилган иморатбоп ёғочнинг, тилинган тахтанинг, елимланган фанернинг учдан бир қисмини ололмадилар, столбабоп ёғоч эса планнинг атиги 50 проценти ҳажмида юборилди.

Азиз депутат ўртоқлар, Ўзбекистон ичкарисида ёғоч материаллари етиштирилмаслигини ва тайёрланмаслигини назарда тутиш лозим. Халқ хўжалиги объектларини қуриш ва ремонт қилишнинг муваффақияти ёғоч ма- [illegible] Етказиб бериш топшириқлари бажарилмаганлиги оқибатида икки йил мобайнида 200 минг тонна шу жумладан, ҳозирги йилнинг ўн ойи ичида 106 минг тонна ёки фондларнинг 46 проценти миқдоридаги қора металлар прокати кам олинди. Ўрмон, целлюлоза ва қоғоз саноати министрлиги ва Қора металлургия министрлиги, иттифоқ таъминот ташкилотлари эса бизнинг мурожаатларимиз ва илтимосларимизга жавобан ҳозирча ваъда беришдан нари ўтмаяптилар. Аҳвол ҳозир ҳам яхшиланаётгани йўқ.

Нефть маҳсулотлари, айниқса бензин, мазут, мойлар ва хом нефть билан таъминлашда мушкул аҳвол вужудга келмоқда. Республика СССР Госснаби, нефть маҳсулотлари давлат комитети ва бошқа тегишли иттифоқ органлари ниҳоят бу ишда дуруст тартиб ўрнатадилар, деб умид қилади, чунки вужудга келган ҳозирги аҳволда Ўзбекистон халқ хўжалигининг иш маромини таъминлаш қийин.

Бутун халқ хўжалигининг нормал ишлашига халақит бераётган жиддий нуқсонларнинг мавжудлигида темир йўллар министрлиги ташкилотларининг айби жуда катта. Мамлакат темир йўлчилари армияси нақадар зўр ғайрат билан кўп меҳнат қилаётганини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо шундай бўлса ҳам темир йўллар министрлигининг бир қанча бўғинлари ишида лозим аниқликнинг ва омилкорликнинг йўқлиги кўпинча жуда қаттиқ сезилиб турибди, шунинг натижасида мол юборувчилар юк ортиб жўнатган неча юзлаб вагонлар ойлар давомида белгиланган жойга етиб келмаяпти.

Темир йўллар министрлигининг раҳбарлари кўпинча Ўрта Осиё темир йўлига [illegible] бермоқдалар.

Ўзбекистонда темир йўллар министрлигининг раҳбарлари ва шу министрликка қарашли органлар ўз фаолиятини нормаллаштиради ва зудлик билан чоралар кўриб, аҳволни яхшилаб олади, деб кўпдан бери кутишмоқда ва умид қилишмоқда. Биз, Ўзбекистон бошқарув органларининг республика ходимлари республика ичкарисидаги темир йўл транспортининг ишини тағин ҳам яхшилаш учун зарур бўлган ҳамма ишларни бундан буён ҳам қилаверамиз, деб айта оламиз.

Бу йил республика қишлоқ хўжалигида вужудга келган қийинчиликларни эътиборга олиб, суғориладиган ерларнинг сув таъминотини ҳал этиш тўғрисидаги зарур масалалар оператив равишда ҳал қилиниши керак. Бу соҳада бирталай ишлар қилинмоқда. Шу билан бирга биз СССР Госпланига, Госснабига, Молия министрлигига, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига мурожаат қилиб, республиканинг капитал маблағ ва материал техника ресурсларининг 1983 йилда ерларни химиялаш ва мелиорациялаш ишларини ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча лимитларини ажратиб бериш тўғрисидаги таклифларини ижобий ҳал этишни илтимос қиламиз.

Депутат ўртоқлар! Биз СССРнинг 1983 йилги плани ва бюджети лойиҳаларини СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларининг тузатишлари ва қўшимчалари билан бирга тўла-тўкис маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ленин партияси раҳбарлигида фидокорона ва ижодий ишлаб, СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар, беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарадилар, коммунизм қурилишига салмоқли ҳисса қўшадилар, деб КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига ва СССР Министрлар Советига [illegible] (Қарсаклар).

Халқ хотирасида мангу қолажак

Халқ ўзининг энг яхши фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Совет кишилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг улуғ Ленин иши давомчиси Леонид Ильич Брежнев хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарорини чуқур мамнуният билан кутиб олдилар. 23 ноябрь куни тинчлик ва коммунизм учун оташин курашчининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ шаҳарлар ва қишлоқларда митинглар бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари Л. И. Брежневнинг порлоқ хотираси халқ ёдида абадий қолиши тўғрисида гапирдилар, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқуллаётганликларини, социалистик Ватаннинг қудратини фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлашга қизғин интилаётганликларини айтдилар.

Кама автомобилсозлари шаҳри аҳолиси байроқлар билан безатилган марказий майдонга йиғилди.

«КамГЭСэнергострой» бирлашмаси ғишт терувчиларининг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Павликов митингда сўзлаб, бундан буён автомобилсозлар шаҳримиз Брежнев номи билан аталадиган бўлади, деди. Бу ном фахрли ва масъулиятлидир. Биз ишчилар шу олий шарафни оқлаймиз. Ишларимиз, меҳнатдаги зафарларимиз ишчилар синфининг шонли фарзандига энг яхши хотира бўлиб қолади.

Москва Черемушки райони энди Брежнев номи билан аталиши тўғрисидаги хабар бу район меҳнаткашларини ғоят тўлқинлантирди.

—Пойтахт ҳаётидаги кўпгина муҳим воқеалар Л. И. Брежнев номи билан боғланган, — деди 20-ТЭЦ коллективида бўлиб ўтган митингда сўзлаган слесарь П. Куценко. — Леонид Ильичнинг даъватига биноан москваликлар ўз шаҳарларини намунали коммунистик шаҳарга айлантириш учун курашга актив қўшилган эдилар. Биз шунга эришиш учун ҳамма куч-ғайратимизни сарфлаймиз.

Новороссийск цемент комбинатида оммавий митинг бўлиб ўтди.

«Пролетарий» заводи цемент тегирмонларининг машинисти А. Плетнев минбарга чиқади:

— Кавказга ўтмоқчи бўлган фашистлар шу ерда, корхона деворлари ёнида тўхтатилиб, кейин уларни 18-армиянинг жангчилари тор-мор келтиргандилар. Л. И. Брежнев шу армия сиёсий бўлимининг бошлиғи бўлганди. Комбинатда ишлаш — юксак шон-шараф ишидир. Коллектив янги қурилишлар учун янада кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда, мусобақаларда неча бор совринли ўринларни эгаллади.

Молдавия ССР Оргеев район «Вяца Ноуэ» колхозининг меҳнаткашлари хўжаликка Л. И. Брежнев номи берилишига бағишланган митингга дала ва фермалардан келдилар.

— Эллигинчи йилларнинг бошларида республика партия ташкилотига бошчилик қилган Леонид Ильич хўжалигимизда неча бор бўлганди, — деди меҳнат ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Штирбу. —Унинг маслаҳатлари қишлоқни қайта қуришда, янги ҳаёт бунёд этишда бизга бебаҳо ёрдам берди. Бу маслаҳатлар коллективнинг бундан буён ҳам муваффақиятларга эришишига, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшишига кўмаклашади.

.. Ҳилпираб турган жанговар байроқлар кўтарган полклар майдонда саф тортди. Ўқув танк дивизияси бундан буён Леонид Ильич Брежнев номи билан аталади. Бу ерда Чита яқинидаги Песчанкада 1935—1936 йилларда Л. И. Брежневнинг жанговар йўли бошланганди.

Митингда солдат, сержант, офицер ва генералларнинг ватанга Леонид Ильич Брежнев сингари муқаддас хизмат қиламиз, Совет Қуролли Кучлари жанговар қудратини Л. И. Брежнев полкдошларига васият қилганидек, кўпайтириб борамиз деган сўзлари қасамёддек бўлиб янгради.

Л. И. Брежнев хотирасини абадийлаштиришга бағишланган митинглар Оскол электрометаллургия комбинатида, Днепропетровск металлургия институтида, Звёздний шаҳарчасида, Волго-Дон «Атоммаш» бирлашмасида, бошқа бир қанча коллективларда ҳам бўлиб ўтди.

(ТАСС).



ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

● ОҚҚЎРҒОН. «Оққўрғон» совхозининг Шехи Назаров бошчилик қилаётган 1-бўлими пахтакорлари [illegible] шараф билан бажаришди. 740 гектар майдоннинг ҳар гектаридан планидаги 32 центнер ўрнига 38 центнер хирмон уюлди. Бўлим [illegible] 2812 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб беришди. Бўлимнинг Жўрақул Холматов, Кенжа Тожиев, Ғофир Восиқов сингари тажрибали пахтакорлари бошчилик қилаётган бригадаларида ҳосилдорлик 40 центнердан ошиб кетди. Бўлим деҳқонлари [illegible]

● ЧИНОЗ. Район комсомол ташкилоти томонидан ташкил этилган ўн битта зарбдор комсомол-ёшлар отрядлари мавсум бошидан [illegible] «оқ олтин» [illegible] «Педагог», «Кооператор», «Автомобилист» сингари отрядлар бу мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

● ПСКЕНТ. Бегимқул Ўстбеков бошчилик қилаётган 3-бўлим пахтакорлари «КПСС XXVI съезди» совхозида [illegible] 497 гектар майдондаги [illegible] Шу кунгача 1650 тоннадан ортиқ «оқ олтин» [illegible] териб олишнинг социалистик мажбуриятини ҳам бажарилди. Муҳаммад Исломов, Умматали Файзуллаев, Раҳмон Холиқбердиев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар гектаридан 37—38 центнердан «оқ олтин» олдилар. Зуҳра Шодмонова, Чечак Расулова, Иқлим Бозорова сингари [illegible] теримчилар эса шу кунгача 7—8 тоннадан пахта териб ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Бўлимда пахта терими давом этмоқда.

«Оқ олтин» хирмонига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 24 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

биринчи устун—районлар, иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун—мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — машинада мавсум бошидан буён.

БУКА	0,02	118,47	113,80
ОҚҚЎРҒОН	0,01	112,47	106,67
ПИСКЕНТ	0,01	109,42	105,59
БЕКОБОД	0,04	107,41	100,39
ҒАЛАБА	0,01	106,74	109,46
КОММУНИСТИК	0,01	106,26	103,98
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,02	106,07	100,75
ЯНГИЙЎЛ	0,02	104,89	102,27
ЧИНОЗ	0,04	103,61	100,66
Область бўйича	0,02	109,28	105,64

Халқаро ҳаёт

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

КПСС Марказий Комитети Пленумининг якунлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов Пленумда сўзлаган нутқ — чет мамлакатлар жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Чет эл ахборот агентликлари, матбуоти, радиоси ва телевиденияси пленум материалларини эшиттириб ва уларнинг тўлиқ ёки батафсил баёнини эълон қилиб қуйидагиларни қайд этмоқдалар. Москвада таъкидланганидек, совет ташқи сиёсати КПСС XXIV, XXV ва XXVI съездларининг қарорларида қандай белгиланган бўлса, шундай бўлиб келди ва у ўзгармай қолаверади. Чет эл газеталари КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқида қуйидаги сўзларни келтиришади: «Мустаҳкам тинчликни таъминлаш, халқларнинг мустақиллик ва социал тараққиётга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш — ташқи сиёсатимизнинг ўзгармас мақсадларидир». Пленум КПССнинг ўн биринчи беш йиллик ва умуман 80-йиллардаги даврга мўлжалланган узоқ муддатли стратегиясини тасдиқлаб, совет кишиси тўғрисидаги, унинг меҳнат ва турмуш шароитлари, уни маънавий камол топтириш тўғрисидаги ғамхўрлик партиянинг энг муҳим программавий кўрсатмаси бўлиб қолаётганлигини таъкидлаганлиги уқтириб ўтилади.

Чехословакиянинг **«Руде Право»** газетаси ёзади: «Л. И. Брежнев вафотидан кейин КПСС билан Совет давлатининг халқаро ишлардаги йўли хусусида ҳар хил тахминлар қилган Ғарбдаги советшуносларга Ю. В. Андропов ўз нутқида батафсил жавоб қайтарди. Бу жавоб ниҳоятда равшан: СССР тинчлик сиёсатига муттасил амал қилаверади. Совет раҳбарлари ҳозирги халқаро вазиятга хос бўлган қийинчиликлар ва кескинлик бартараф этилиши мумкин ва лозим деб ҳисобламоқдалар».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари айтганидек, бундан буён ҳам социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш партиянинг энг биринчи вазифаси бўлиб қолаверади деб уқтиради **«Нойес Дойчланд»** (ГДР) газетаси. Бизнинг кучимиз ҳатто энг жиддий синовларда ҳам пировард муваффақиятга эришиш гарови — бирликдадир. Социалистик давлатлар ҳамдўстлигининг барча планлари — тинчлик ва бунёдкорлик планларидир.

Экономикани муттасил юксалтириш, халқ фаровонлигини яхшилаш — КПССнинг совет кишилари олдидаги бурчи, унинг интернационал бурчидир, деб ёзади Польшанинг **«Трибуна Люду»** газетаси. Партия масалани шу тарзда ўртага қўйиб, Лениннинг биз халқаро революцияга асосан ўз хўжалик сиёсатимиз билан таъсир кўрсатмоқдамиз, деган башоратли кўрсатмасига амал қилиб келмоқда.

Ўн биринчи беш йиллик планларини амалга ошириш учун курашнинг ҳозирги босқичида совет кишилари олдида қийин ва тиғиз ишлар турганлигини КПСС Марказий Комитети Бош секретари партиявий дангаллик ва принципиаллик билан қайд этиб ўтди, дейилади Болгариянинг **«Работническо Дело»** газетаси шарҳида. Пленум планни уддалай олмаётган халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларини танқид қилиб, экономикага раҳбарликнинг барча соҳаларини— бошқаришни, планлаштириш ва хўжалик механизмини такомиллаштириш борасидаги ишларни жадаллаштиришни асосий вазифа деб топди.

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирлар партия планларида марказий ўринни эгаллаб турибди, деб уқтиради Венгриянинг **«Непсабадшаг»** газетаси. Қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона ишлари туфайли Совет Иттифоқида донли экинлар ҳосили бултургига қараганда анча кўпайди, етиштирилган пахта ҳосили чакки эмас, сут етиштириш кўпайди. Пленум совет деҳқонларини янги вазифаларни ҳал этишга йўналтирди.

Монголиянинг **Монцамэ** агентлиги шарҳида қуйидагилар айтилади: «Жаҳон жамоатчилиги Ю. В. Андропов нутқининг халқаро ҳаётга даҳлдор қисмини зўр қизиқиш билан кутиб олди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ҳозирги замоннинг энг ўткир проблемаларига ишонтирарли жавоблар берди. Совет раҳбарининг: «Қурол-яроғларсиз тинчлик-социализм идеалидир», деган сўзларига МХРдагилар тўла-тўкис ва батамом қўшилади. КПСС билан Совет давлати барча социалистик мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантириш ва яхшилашни астойдил ҳоҳлайдилар. Бу гап Хитой Халқ Республикасига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Совет давлати Хитой томонининг бундай позицияга жавобан қилаётган ҳар бир ижобий ишига зўр эътибор билан қараяпти».

Франциянинг «Юманите» газетаси ёзади: Кескинликни юмшатиш белгиси остида ўтган 70-йиллар, Ғарбдаги баъзи бир арбоблар даъво қилаётганидек, инсониятнинг қийин тарихидаги қандайдир тасодифий эпизод бўлмай. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қатъий қилиб айтганидек, «йўқ, кескинликни юмшатиш сиёсати асло ўтиб кетган босқич эмас. Бу сиёсатнинг келажаги порлоқ».

Совет Иттифоқи ошкора, ҳалол ҳамкорликни ҳохловчи барча мамлакатлар билан шундай ҳамкорлик қилишга тайёр эканини яна бир бор изҳор этди, деб уқтиради Ғарбий Германиянинг ДПА агентлиги. Совет раҳбари ижтимоий системалардаги тафовутлар бунга халақит бермаслиги керак — иккала томондан холис ният бўлган тақдирда халақит бермайди ҳам, деди. У СССРнинг Ғарбий Европадаги кўпгина мамлакатлар билан тинч ҳамкорликни ривожлантиришдаги сезиларли тараққиётини мисол қилиб келтирди.

Англиядаги **«Би-Би-Си»** радиоэшиттириш корпорациясининг сиёсий обзорчиси КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқини «жўшқин ва мазмунига кўра жуда муҳим» нутқ деб атади. КПСС Марказий Комитети Пленумида шу нарса айтиб ўтилдики, муносабатларни нормаллаштиришга тайёргарлик Совет Иттифоқи бунинг учун олдиндан қандайдир ён бериш билан ҳақ тўласин деган талаблар билан боғлиқ қилиб қўйилаётган баёнотлар, юмшоқ қилиб айтганда, ножиддий баёнотлардир. Тинчлик ва кескинликни юмшатишни сақлаб қолишдан ҳамма баббаравар манфаатдордир. Шу сабабли Совет Иттифоқи билан битимга келиш йўлини ўзаролик ва тенг ҳуқуқлилик асосида қидириб топмоқ керак.

Япониянинг **Кнодо цусин** агентлиги хабар қилади: КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқига реализм ва вазминлик хосдир. СССРнинг АҚШга нисбатан қатъий позицияси эътиборни жалб қилади. Айни вақтда Совет Иттифоқи Вашингтоннинг икки томонлама муносабатларни яхшилашга қаратилган тадбирларига жавоб қайтаришга тайёр эканлигини равшан изҳор этди. **«Иомиури»** газетаси СССР билан АҚШ ихтиёрида бўлган стратегик вазифаларни бажарувчи ядро қуролига тўхталиб шуни ёзадики, Совет Иттифоқи бўлажак битимга эришиш йўлидаги биринчи қадам сифатида иккала томон ўз аслаҳахоналарини кўпайтирмай қўйишларига ва шу тариқа уни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги музокараларни давом эттириш учун тағин ҳам қулай шароит яратишларига розидир. **«Асахи»** газетаси Совет Иттифоқи ўзининг ташқи сиёсий йўлини давом эттиришга азму қарор берганлигини ва «Москва тинчлик программасига содиқ бўлиб қолажагини» таъкидлайди.

(ТАСС, 23 ноябрь).

МЕДИКЛАР СИОНИСТЛАРНИНГ ЛИВАНДАГИ ЖИНОЯТЛАРИНИ ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

АФИНА, 23 ноябрь, (ТАСС мухбири). Вайронага айланган турар-жойлар ва касалхоналар, ўлдирилган ва ярадор қилинган хотин-қизлар, кексалар ва болаларнинг таниб бўлмайдиган жасадлари. Исроил ҳарбийларининг Ливандаги ваҳшийликларини текшириш юзасидан медикларнинг бу ерда тугаган Халқаро конференцияси қатнашчилари олдида ана шундай манзаралар намоён бўлди. Конференция Ливан ва Фаластин халқларига қарши Исроил жиноятларини текшириш билан шуғулланувчи халқаро комиссиясининг ташаббуси билан чақирилган эди. Конференция ишида дунёдаги турли мамлакатлардан, шу жумладан Совет Иттифоқидан 30 дан кўп делегат иштирок этди.

Исроил агрессияси вақтида Байрут касалхоналарида ишлаган врачлар ва медицина ҳамширалари конференция минбаридан туриб, босқинчиларнинг ваҳшийлиги тўғрисида гапириб бердилар. Биринчи навбатда тинч аҳоли оккупациячиларнинг ёвузликларидан жабр-зулм кўрди. Исроил солдатлари, деб ҳикоя қилишди сўзга чиққан кишилар, Байрутни қуруқликдан, денгиздан ва ҳаводан туриб қамал қилдилар, шаҳарнинг артиллерия ўқлари ва бомбалардан зарар кўрган, аҳолиси учун сув, озиқ-овқат ва дори дармонлар келтирилишига йўл қўймадилар. Исроил солдатларининг Ливан ва Фаластин аҳолисига нисбатан қилган ваҳшийликларини фош этувчи фото ва кино ҳужжатлар конференция иштирокчиларига кўрсатилди.

САЛЬВАДОР. Миллий озодлик фронти отряди ҳужум операциялари давомида 20 дан ортиқ аҳоли пунктини душмандан тозалашга муваффақ бўлди.

Суратда: Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик фронти жангчилари. ЮПИ — ТАСС фотоси.

Реклама ва эълонлар

МУЗИКА ХОНАДОНИНГИЗДА

Музикани яхши кўрган, ашулага ихлос қўйганларни

ТОШКЕНТ ОВОЗ ЁЗИШ СТУДИЯСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Уй адресингиз, алоқа индекси, фамилиянгиз, исмингиз, отангизнинг исми, шунингдек, музика асарлари, магнитофон лентасининг тури, метраж ва тезлиги кўрсатилган хатингизни олиш биланоқ овоз ёзиш студияси хизматга киришади.

Овоз ёзиш студияси ўзида мавжуд бўлган ҳар қандай тил ва метраждаги магнитофон лентасига, шунингдек, компактли кассеталарга моно —ёки стереофон овозларни ёзиб беради.

Сизга Самарқанд, Бухоро, Тошкент манзараси туширилган монофоник пластинкаларни бадиий тайёрлаб беради, шунингдек пластинкаларга буюртмачининг фотосуратини тушириб беради. Буюртмачи тасвири туширилган буюртмани бажариш учун хат билан бирга равшан, синмаган, камида 6х9 см. ҳажмдаги фотосурат юборилиши керак.

Олдиндан пул юборманг. Чунки буюртмалар қўшимча хат олинган ҳолда Совет Иттифоқининг исталган аҳоли яшаш пунктига юборилади.

Магнитофон лентасига ҳамда компактли кассеталарнинг сифатига студия кафолот беради.

Йўқлаб олиш учун буюртмалар юборилмайди.

Мактаблар, Пионер саройлари, шаҳар ҳунар-техника билим юртлари ҳамда бошқа ўқув ва маориф муассасалари раҳбарлари диққатига!

Овоз ёзиш студиясида пионер фонотекаси мавжуд. Бу қўлланма 26 фонограммдан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири маълум мавзуга (Ленин, партия, комсомол, пионерия, пионерлар чақириғи тўғрисида қўшиқлар) мос бўлиб, муфассал катологларга жойланган бўлади. Фонотекадан, шунингдек, бадиий ҳаваскорлар, концерт ёки қўйиб беришда ва бошқа тадбирларни ўтказишда фойдаланишлари мумкин.

ТАРИФ БЎЙИЧА ХИЗМАТ БАҲОСИ:

бир дона пластинка тайёрлаш — 9 тийин;

(буюртмачининг сурати туширилган бир дона пластинка тайёрлаш —1 сўм 55 тийин.

Магнитофон лентаси ҳамда компактли кассетани ҳисобга олинмаган ҳолда магнитофон ёзуви.

Монофоник ёзувнинг бир минути — 9 тийин;

стереофоник ёзувнинг 1 минути— 0 — 13 тийин.

ХАТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ!

Бизнинг адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 29-уй.

«САЛОМАТЛИК САҲИФАСИ» ПОЧТАСИДАН

ЖИГАРНИ АВАЙЛАНГ

Сариқ касаллиги қадимдан маълум. Аммо унинг юқумли эканлиги ҳақида дастлабки фикр юргизган олим К. П. Боткин бўлди. Шунинг учун ҳам Боткин касаллиги деб ҳам юритилади. Бу касаллик айниқса куз ойида авжига чиқади. Шу билан бирга қиш ва баҳор ойларида ҳам учраб туради. Касаллик барча ёшдаги кишиларда, асосан болаларда кўпроқ учрайди. Олимларнинг кўп тадқиқотларидан кейин бу хасталикни пайдо қилувчи нарса фильтрланувчи вирус эканлиги тасдиқланган.

Боткин касаллигини қўзғатувчиси — вирус оғиз орқали меъдага тушгач, бир қисми хлорид кислотаси таъсирида халок бўлади. Қолган бир қисми меъдадан ўтиб, ингичка ичакда қулай шароит бўлгани учун кўпая бошлайди. Маълум вақтдан сўнг ичакдан вируслар қонга сўрилиб, ундан барча органларга, шу жумладан жигарга тушиб, унинг хўжайралари ичига киради ва кўпая бошлайди. Натижада уни шикастлайди.

Касаллик юққандан, то унинг дастлабки белгилари содир бўлгунча 15—30 кун вақт ўтади. Бу унинг яширин даври хисобланади. Бу даврда ҳали касалликнинг белгилари содир бўлмайди. Фақат жигарда юқоридаги ўзгаришлар бўлиб, қонда аста-секин заҳарли моддалар тўплана бошлайди.

Касаллик эт увишиши, лоҳаслик, акса уриш, йўталиш, томоқ оғриғи, ҳарорат кўтарилиши билан бошланса, баъзиларда оғизда аччиқ таъм, қоринда оғриқ, ич кетиш, кўнгил айниш, қайт қилиш билан бошланади. Кўпинча бўшашиш, кўп терлаш, йиғлоқилик, ёш болаларда тез чарчашлик, атрофдагиларга бефарқлик, уйқусизлик билан, бўғинлар, мускулларнинг зирқираб оғриши билан бошланади.

Баъзи кишилар дастлабки белгиларга етарли эътибор бермайдилар. Бу ҳол касалликнинг оғир ўтишига сабаб бўлади. Жигар ҳажми нормадан катталашади. Сўнгра кўз оқининг, оғиз шиллиқ қаватининг сарғайганлиги сезилади. Бу касалликнинг иккинчи даври — сарғайиш даври бошланганидан далолат беради. Баданнинг сарғайиши кишн илғамас сариқ тусдан то лимон рангигача бўлиши мумкин. Ана шу жараён касаллик аломатларининг кучайганлигидан далолат беради.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, Боткин касаллигининг сарғайиш билан ўтмайдиган хили ҳам учрайди. Кузатишлар шуни кўрсатдики, хасталикнинг бу хилида бадан сарғайишидан бошқа ҳамма белгилари содир бўлар экан.

Кўпчилик ҳолларда Боткин касаллиги бутунлай тузалиб кетади. Баъзан қайталаниши, янгидан касалланиш ҳам учрайди. Касалликнинг қайталаниши овқат пархезларига риоя қилмаганда ёки киши бошқа касалликка учраганда рўй бериши мумкин.

Боткин касалидан тузалиб чиққан мактаб ўқувчилари жисмоний тарбия машғулотларидан олти ой муддатга ва ундан кейин ҳам югуриш, сакраш куч ишлатиладиган машғулотлардан озод этилиши керак.

Овқат пархезига келсак, уй шароитида ҳам тўрт ойгача шифохонадагидек овқатларни истеъмол қилиш зарур. Овқатлар кўкатлардан тайёрланган, сутли, қайнатилган балиқ, ёғсиз гўштдан тайёрланган қайнатма шўрва бўлиши мумкин. Овқат доимо вақтида, оз-оздан, тез-тез, кунига 5—6 марта истеъмол қилиниши керак. Бундан ташқари минерал сувлардан Тошкент, Боржоми, Есентуки сувларидан ичиб туриш ҳам жигарга шифобахш таъсир кўрсатади. Кундузи ҳам икки маҳал ётиб дам олиш лозим.

Боткин касаллиги оғир дард. Бу дардга чалинмаслик учун зарур чоралар кўриш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса унчалик қийин эмас. Авваламбор бу хасталиқ билан оғриган кишини ўз вақтида шифохонага жойлаштириш ва атрофдагиларга тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш лозим.

С. АҲМЕДОВ,
врач-эпидемиолог.

ЧАЙҚОВЧИЛАРНИ ФОШ ЭТАМИЗ

ЭСКИ САНДИҚ СИРИ

Галимян тонг отмай Сергели бозорига отланди, кўримли жой танлаб, гиламни ёйиб қўйди.

—Биродар гиламингиз неча сўм?, —чўғдек ёниб турган гиламнинг четини қайтариб, баҳосини сўради харидорлардан бири.

—Бир минг етти юз — деди хотиржамлик билан «мол» эгаси.

—Инсоф билан-да, ака. Бироз камайтиринг, — ялинишга тушди жазман.

Хуллас, чайқовчи у деди, харидор бу. Ниҳоят 1600 сўмга «бор-барака» қилинди.

«Бошланиши ёмон бўлмади», хаёлидан ўтказди Галимян ва ГДР тамғаси босилган иккинчи гиламни ерга ёзди. Харидор бу гал ҳам ўзини куттирмади. Давлат баҳоси 500 сўмлик гилам 1100 сўмга пулланди. Аммо Сергели район БХСС бўлинмаси ходимлари «бор-барака» устидан чиқишди-ю, гиламфурушнинг бозори касодга учради-қолди.

—Барака топгурлар, қўйиб юборинглар, қийналиб уйдаги гиламларни олиб чиқдим, ўғлимни уйлантиришим керак, — тилёғламаликка ўтди 2-автокомбинат шофёри Галимян Насриддинов. Лекин, ўз таъбирича «камхарж, ночор» ҳайдовчи уйи тинтув қилинганида бошқа манзара устидан чиқилди.

Шифонернинг ичидан топилган 5135 сўм пулдан ташқари болкондаги даққиюнусдан қолган эски сандиқ очиб кўрилганда эски латта-путталар орасига эртаклардагидек бутун бир бойлик яшириб қўйилгани аниқланди. «Сув» қилишга мўлжалланган қатор чет эл гиламлари қоғозга ўралган қанттдек тахлоғлик турарди.

Ҳақиқатда эски сандиқда «хикмат» катта эди. Латта-путталар орасида бир талай тилла ва бриллиант тақинчоқлар ярқиллади. Чурик латта ичидан эса бешта омонат касса дафтарчаси чиқди. Ҳаром-хариш йўллар билан топилган бойлик кўз ўнгида саробга айланаётганига Н. Сулаймонова қўлини қовуштириб, чидаб туролмади.Сакраб БХСС ходими қўлидан энг устидаги омонат касса дафтарчасини юлиб олиб, жон ҳолатда йирта бошлади. Лекин милиция ходимларининг чаққон ҳаракатлари туфайли, дафтарча тортиб олиниб, тикланди. «Сим-сим» ичида яна «сим-сим». Омонат дафтарча ичида аллақандай қисқартма отлар ва адреслар ёзилганди.

Кейинчалик аниқланишича унда ўн битта омонат дафтарчасининг рўйхати ва номерлари зикр этилган экан. Хуллас, ҳаммаси бўлиб уйдан 21 та омонат дафтарчаси топилди. Шундан бир нечтаси Р. Масагутова, В. Масагутов, Ф. Сулаймонова, М. Сулаймонова номида бўлиб, «негадир» улар Г. Насриддинов уйида сақланарди.

Ўзини «тадбиркор», шунинг билан бирга эҳтиёткор ҳисобловчи Галимяннинг бу сафар «миси» чиқди...

Балки чиндан ҳам Галимян Насриддинов ўғлини уйлантирмоқчи бўлгандир. Лекин энди тўй муддати тўрт йилга кечикадиган бўлди. Сергели район халқ суди уни шунча муддатга озодликдан маҳрум этди. Эгриқўллик, алдам-қалдам йўл билан тўпланган мол-мулклар, гиламлар, пуллар, тилла-ю-бриллиантлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Н. САЙФУДДИНОВ,
Сергели район ички ишлар бўлими БХСС бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани.

Б. ПЎЛАТОВ
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ЧИРЧИҚ. Шаҳар ички ишлар бўлими районлараро Давлат автоинспекциясининг имтиҳон ва рўйхатга олиш бўлими ишни намунали ташкил этган. Бу ерда ҳар куни ўнлаб ҳаваскор шофёрларга гувоҳнома ва номерлар берилмоқда.

Суратда: районлараро Давлат автоинспекцияси бошлиғи Муҳаммаджон Турсунов янги машина эгасига техпаспорт ва номер топширмоқда. В. Портнов фотоси.

СПОРТ

ФУТБОЛ МАВСУМИ ЛАУРЕАТЛАРИ

Маълумки, ҳар йили турли жамиятлар ва спорт ташкилотлари олий лига командалари учун қатор совринлар таъсис этишади. Қуйида бу мавсумда қайси мукофотлар кимларга текканлигини маълум қиламиз:

ГРИГОРИЙ ФЕДОТОВ совринига энг кўп тўп киритган бу йилги чемпионлар Минск диномчилари сазовор бўлдилар.

«ТРУД» газетасининг энг кўп тўп киритган футболчига белгилаган мукофоти «Пахтакор» капитани Андрей Якубикка тегади.

«ФУТБОЛ — ХОККЕЙ» ҳафталигининг энг йирик ҳисоб билан ғалабага эришган команда учун таъсис этган мукофотини Киев динамочилари қўлга киритдилар.

СССР ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ асосий ва дублёрлар состави биргаликда кўп очко олган коллектив учун белгилаган соврини ҳам Киев динамочиларига тегди.

«ПРОГРЕСС» кубоги Минск динамочиларига бериладиган бўлди. Ғолиблар қуйидагича ҳисоб-китоб билан аниқланди. Биринчи ўрин учун 18, иккинчи ўрин учун 17, учинчи ўрин учун 16 очко ва ҳоказо. Ана шундай қилиб ҳисоблангандa белорус футболчилари 126 очко тўплашди. «Арарат»да 95 та, «Пахтакор»да 91 та очко бор.

УЧ СОВРИНДОРГА қарши бўлган ўйинда Одессанинг «Черноморец» командаси бошқаларга қараганда яхшироқ ўйин кўрсатди ва улардан 7 очко олоди.

МЕҲМОНДА энг яхши ўйнаган командага аталган мукофот Минск динамочиларига тегди.

ДУБЛЁРЛАР ўртасида Киев динамочилари ғолиб келди.

«ОГОНЕК» журналининг энг яхши дарвозабонга белгилаган соврини Ринат Досаевга тегди.

АДОЛАТЛИ ўйин учун таъсис этилган мукофотни пойтахт спартакчилари қўлга киритдилар.

Редактор ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.50 — «Горнчилар, қаердасиз!». 10.35 — Бадиий фильм. 11.50 — Илмий-оммабоп фильм. 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Дўстлар экрани». 16.00 — «Орлёнок». 16.45 — Антуан де Сент-Экзюпери. 17.35 — Концерт. 18.00 — «Шахмат мактаби». 18.30 — Е. Ковтун чалади. 18.45 — «Миллионлар ленинча университети». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Фан оламида». 20.00 — Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — «1982 йил» қўшиқлари». Кўрсатув тугагач — «Дунё воқеалари».

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — Физика. 6-синф. 10.05 ва 13.10 — Испан тили. 11.05 — Илмий-оммабоп фильм. 11.35 ва 12.45 — Зоология. 7-синф. 12.00 — Илмий оммабоп фильм. 12.15 — «Оналар мактаби». 13.40 — Тарих. 4-синф. 14.10 — Байроннинг романтик театри. 15.10—Бадиий фильм. 16.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Бадиий фильм. 20.00 —М. Равель. Фа мажор квартети. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичинтойлар». 20.45 «Усталар». 21.15—Фильм-концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Хоккей.

ЎзТВ-I. 11.30 — Болалар учун. «Фонарик». 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Бадиий фильм. 13.35 — Кинопрограмма. 14.35 — Телефильм. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.30 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 — «СССР халқлари дўстлиги ва Ўзбекистонда фаннинг ривожланиши». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Мультфильм. 20.00 — «Дунё воқеалари». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.35 — Бадиий фильм.

ЎзТВ-II. 18.10 — Кўрсатувлар программаси. 18.15 — Назарий механика. 19.15 — Бадиий фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Тежамкорлик ва самарадорлик — коллектив муваффақиятининг гарови». 21.00 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — МТ-II.

●

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/XI да **Князь Игорь**, 26/XI да **Муҳаббатга муҳаббат билан**, 27/XI да **Кармен.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/XI да **Соқов рицарь**, 26/XI да **Бой ила хизматчи**, 27/XI да **Қиёмат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/XI да **Гулсара** (16.00 ва 19.00 да), 26/XI да **Дилафрузга тўрт ошиқ** (16.00 ва 19.30 да), 27/XI да **Ёшликда берган кўнгил** (16.00 ва 19.30 да).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **РСФСР халқ артисти Иван РУБАН раҳбарлигидаги ёввойи ҳайвонлар аттракциони гастроллари** (19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. **БЎЛИМЛАР:** хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334048, 325354; партия турмуши—325778; пропаганда—325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 03331. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1736.